



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 6 » avgust

№ 498

Toshkent sh.

Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини комплекс ҳамда махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тизимини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 5 майдаги ПФ–76-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тизимининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 58-моддасига мувофиқ ўрта махсус, касбий, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари, битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни берувчи, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига, шунингдек, таълим дастурларига мувофиқлик жиҳатидан комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказилиши белгилангани;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 5 майдаги ПФ–76-сон Фармонига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилгани;

Агентлик идоравий мансублиги ва ташкилий-хукукий шаклидан қатъи назар, ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиши ҳамда таълим ташкилотларини хавфни таҳлил қилиш асосида навбатдан ташқари ўрганиши;

комплекс давлат аккредитацияси натижаларига кўра муайян таълим дастурида аниқланган кўпол камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган тақдирда, ушбу таълим дастури бўйича ўқув фаолиятини давом эттириш ва қабулни амалга оширишга йўл қўйилмаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини комплекс ҳамда махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

таълим ташкилотларини комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш босқичлари ва тартиби;

таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан ўтказишда ички ва ташқи баҳолашни ташкил қилиш;

таълим ташкилотларида хавфни таҳлил қилиш ва мониторинг ўтказиш орқали таълим сифати самарадорлигини ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш жараёнларини ташкил этиш.

3. Белгилансинки:

янги ташкил этилган таълим ташкилотлари ва махсус давлат аккредитациясидан ўтган таълим дастурлари биринчи комплекс давлат аккредитациясидан ўтказилгунга қадар давлат аккредитациясидан ўтган ҳисобланади;

амалдаги таълим дастурлари таълим ташкилотининг мурожаатига кўра навбатдаги комплекс давлат аккредитациясига қадар ёки мазкур ташкилотни комплекс давлат аккредитациясидан ўтказиш даврида махсус давлат аккредитациясидан ўтказилади;

таълим ташкилотларини комплекс давлат аккредитациясидан ўтказиш даврида нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг соҳавий рўйхатида биринчи 300 таликдан ўрин олган ёки Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган халқаро, хорижий ва нодавлат аккредитация ташкилотлари реестрига киритилган халқаро аккредитация ташкилотлари томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилган таълим дастурлари тегишли мезонлар бўйича ижобий баҳоланган деб ҳисобланади.

4. Таълим ташкилотлари таркибида уларнинг белгиланган штатлари доирасида таълим сифатини таъминлаш бўлимлари ташкил этилсин. Бунда:

олий таълим ташкилотларининг таълим сифатини таъминлаш бўлимлари камида 3 нафар (ойлик иш ҳақи декан лавозимига тенглаштирилган бўлим бошлиғи ва декан ўринбосари лавозимига тенглаштирилган 2 нафар бош мутахассис) ходимдан, ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотларининг таълим сифатини таъминлаш бўлими (ойлик иш ҳақи директор ўринбосари лавозимига тенглаштирилган бош мутахассис) 1 нафар ходимдан иборат бўлади;

бўлим (мутахассис)га таълим ташкилотининг кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш бўйича ички баҳолашни ташкил этиш, таълим ташкилотини давлат аккредитациясидан ўтказишга тайёрлаш, таълим сифатини доимий мониторинг қилиб бориш орқали унга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги маълумотларни таълим ташкилоти раҳбарига ҳамда Агентликка тақдим этиб бориш вазифалари юклатилади.

5. Агентлик Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2025 йил якунига қадар** Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **“Аккредитация” платформасини** ишлаб чиқиб, ишга тушириш ҳамда вазирлик ва идораларнинг мавжуд ахборот тизимларига интеграция қилиш чораларини кўрсин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

комплекс давлат аккредитациясидан ўтмаган ва белгиланган муддатларда аниқланган камчиликларни бартараф этмаган таълим ташкилотларининг фаолиятини тугатиш (лицензиясини бекор қилиш) юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритиб борсин;

фаолиятини тугатиш, лицензиясини бекор қилиш ва таълим дастурини ёпиш бўйича қарор қабул қилинган таълим ташкилотлари талаба ва ўқувчиларининг ўқишини давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг мос ва турдош таълим йўналишлари, касб ва мутахассисликларига белгиланган тартибда кўчириш чораларини кўрсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарорига **2-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги директори А.Ю. Худайкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “ 6 ” августдаги 498-сон қарорига
1-илова

**Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим,
шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш ташкилотларини комплекс ҳамда махсус давлат
аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолият юритувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари)ни идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан (кейинги ўринларда – давлат аккредитацияси) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) давлат аккредитациясини ўтказиш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аккредитация сертификати – давлат аккредитациясидан муваффақиятли ўтган таълим ташкилот (дастур)ларига бериладиган ҳужжат;

аккредитация ташкилотлари – Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятини амалга оширишга рухсат берилган ва аккредитация ташкилотларининг реестрига киритилган халқаро, хорижий ва нодавлат аккредитация ташкилотлари;

аккредитация ташкилотлари реестри – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган аккредитация ташкилотларининг Агентлик томонидан юритиладиган рўйхати ва улар ҳақидаги маълумотлардан иборат ягона маълумотлар банки;

ички (ўзини ўзи) баҳолаш – таълим ташкилотининг белгиланган ички сифатни таъминлаш мезонлари асосида ўз фаолияти самарадорлигини кузатиши, таҳлил қилиши, баҳолаши ва уни такомиллаштириш чораларини кўриш жараёни;

комплекс давлат аккредитацияси – ўрта махсус, касбий, олий таълимни ва олий таълимдан кейинги таълимни, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат

ва нодавлат таълим ташкилотларини ташқи баҳолаш натижаларига асосланган жараён;

махсус давлат аккредитацияси – ўрта махсус, касбий, олий таълимни ва олий таълимдан кейинги таълимни, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида таълим дастурлари бўйича ўқув жараёни бошланишидан олдин амалга ошириладиган жараён;

таълим дастури – тегишли касблар, таълим йўналишлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар, курслар бўйича давлат таълим стандартлари (талаблари) ва касбий стандартларга мувофиқ компетенция ва ўқув натижалари, таълим мазмуни, ҳажми ва баҳолаш талабларини белгиловчи ўқув-меъёрий ҳужжат;

ташқи баҳолаш – таълим ташкилоти фаолиятини, кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари (талаблари) ҳамда аккредитация мезонларига мувофиқлигини Агентлик томонидан баҳолаш жараёни;

халқаро аккредитация – Агентлик томонидан аккредитация ташкилотлари реестрига киритилган халқаро таълим сифатини таъминлаш тармоқларининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган халқаро аккредитация ташкилотлари томонидан таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш жараёни.

4. Давлат аккредитациясидан ўтказишда мустақиллик, очиқлик, шаффофлик, холислик, тенглик, изчиллик, далилларга асосланганлик, даврийлик ва ҳисобдорлик тамойилларига риоя қилинади.

5. Давлат аккредитациясининг мақсади таълим ташкилотларида таълим сифатини таъминлаш ва мунтазам равишда ошириш орқали таълим ташкилоти (дастури)нинг ишончлилигини расман эътироф этишдан иборатдир.

6. Давлат аккредитациясидан ўтказишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим сифатини таъминлаш ва янада яхшилаш бўйича раҳбар ходимларнинг масъулияти ҳамда ҳисобдорлигини ошириш;

таълим сифатини оширишни қўллаб-қувватлаш ва сифат маданиятини шакллантиришга ҳар томонлама қўмаклашиш;

таълим олувчиларни сифатсиз таълим хизматларидан ҳимоя қилиш;

таълим сифатига қўйиладиган минимал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

меҳнат бозори талабларига мувофиқ ва сифатли таълим хизматлари кўрсатилаётгани бўйича кенг жамоатчилик ўртасида ишончни ошириш.

7. Қуйидагилар давлат аккредитациясидан ўтказишнинг асосий объектлари ҳисобланади:

махсус давлат аккредитациясида – кадрлар тайёрлаш йўлга қўйиладиган таълим дастурлари ҳамда таълим ташкилотлари томонидан кадрлар тайёрланаётган ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказилмаган таълим дастурлари;

комплекс давлат аккредитациясида – таълим дастурлари бўйича битирувчилари мавжуд бўлган таълим ташкилотлари.

8. Таълим ташкилотлари Агентлик томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида ҳар беш йилда комплекс давлат аккредитациясидан ўтказилади.

Таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари (факультетлар), шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим фаолиятини комплекс давлат аккредитациясидан ўтказиш таълим ташкилоти билан бир вақтда амалга оширилади.

Белгиланган муддатлар тугаганидан сўнг таълим ташкилотлари давлат аккредитациясидан ўтказилиши шарт.

9. Таълим ташкилотлари таълим дастурларининг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш мақсадида ўз ташаббуси билан аккредитация ташкилотлари реестрига киритилган халқаро аккредитация ташкилотларидан таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиши мумкин.

10. Таълим ташкилоти (дастури)ни ички ва ташқи баҳолаш ушбу Низомга 1-иловадаги махсус давлат аккредитацияси йўналишлари ва мезонлари ва (ёки) мазкур Низомга 2-иловадаги комплекс давлат аккредитацияси йўналишлари ва мезонлари асосида ўтказилади.

11. Ички ва ташқи баҳолаш методологияси Агентлик томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

12. Агентлик таълим ташкилотлари битирувчиларининг билим ва кўникмасига баҳо бериш ва уларнинг меҳнат бозорига интеграциясини ўрганиш учун Умуммиллий иш берувчилар сўровномасини ўтказиб боради.

13. Агентлик таълим ташкилотлари талаба (ўқувчи)ларининг таълим сифати бўйича фикрларини ўрганишга қаратилган доимий Умуммиллий талаба (ўқувчи)лар сўровномасини ўтказади.

2-боб. Таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан ўтказиш

1-§. Давлат аккредитациясидан ўтказиш босқичлари

14. Таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан ўтказиш қуйидаги босқичлардан иборат:

1-босқич – аризани расмийлаштириш;

2-босқич – таълим сифатини ички баҳолаш;

3-босқич – таълим сифатини ташқи баҳолаш;

4-босқич – давлат аккредитацияси бўйича якуний қарор қабул қилиш.

15. Таълим сифатини таъминлаш ва эҳтимолий хавфларни бартараф этиш мақсадида таълим ташкилотларида хавфни таҳлил қилиш ва мониторинг жараёнлари амалга оширилади.

2-§. Давлат аккредитациясидан ўтказиш учун аризани расмийлаштириш

16. Давлат аккредитациясидан ўтказиш тўғрисида аризалар Агентликнинг “Аккредитация” платформасида электрон шаклда, заруратга кўра, тасдиқланган қоғоз шаклида қабул қилинади. Унга кўра:

таълим дастурларини махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тўғрисида аризалар келгуси ўқув йилида фаолиятини бошлаш учун ҳар йили 1 октябрдан келгуси йилнинг 31 январигача қабул қилинади. Ушбу муддатлардан ташқари бошқа муддатларда махсус давлат аккредитацияси таълим ташкилотининг мурожаатига асосан, Агентлик билан тузиладиган шартнома шартлари ва оширилган тўлов асосида амалга оширилади;

таълим ташкилотларини комплекс давлат аккредитациясидан ўтказиш тўғрисида аризалар таълим ташкилотининг аккредитациядан ўтганлик тўғрисидаги охириги сертификати муддати тугайдиган ўқув йилидан олдинги ўқув йилининг 15 сентябрига қадар қабул қилинади.

Ариза шакллари ва уларга киритиладиган маълумотлар Агентлик томонидан белгиланади.

17. Давлат аккредитациясидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

лицензия/юримдик шахсининг гувоҳнома нусхаси;

мавжуд аккредитация сертификати ва ҳисоботи нусхаси (комплекс давлат аккредитацияси учун);

аризани кўриб чиқиш учун белгиланган миқдордаги йиғимларни амалга оширганлик тўғрисидаги маълумотнома;

давлат аккредитацияси жараёнларига бириктирилган масъул ходимнинг маълумотлари (таълим ташкилоти биринчи раҳбари томонидан тасдиқланган ҳолда).

18. Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг Агентлик томонидан аризалар ўн беш иш кунда кўриб чиқилади.

19. Аризани кўриб чиқишни рад этишга қуйидагилар асос бўлади:

кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилаётган таълим йўналишлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар ва касблар миллий ёки хорижий (халқаро) классификаторда мавжуд бўлмаганда;

ушбу Низомнинг 17-бандидаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;
лицензияда кўрсатилган таълим хизмати ва турларига мос бўлмаганда;
талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ёлғон ёки нотўғри
маълумотларнинг мавжудлиги аниқланганда;

ҳужжатларда аниқланган камчиликлар таълим ташкилоти томонидан
беш иш кунида бартараф этилмаганда.

Бошқа асосларга кўра аризани кўриб чиқишни рад этишга йўл
қўйилмайди.

20. Ариза қабул қилинганидан сўнг ўн иш куни ичида Агентлик
ва таълим ташкилоти ўртасида давлат аккредитациясидан ўтказиш бўйича
икки томонлама шартнома тузилади.

Икки томонлама шартнома шакли, мазмуни ва шартлари Агентлик
томонидан белгиланади.

21. Давлат аккредитациясидан ўтказишда таълим ташкилотининг
қонуний вакили ёки ариза берувчи қуйидагиларга масъул ҳисобланади:

белгиланган талаблар асосида ариза топшириш;

Агентлик ва таълим ташкилоти ўртасида шартномани расмийлаштириш;

йиғимларни белгиланган муддатларда амалга ошириш;

эксперт комиссияси (жойига чиққан ҳолда) ва Аккредитация
комиссияси томонидан қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни
белгиланган муддатларда тақдим қилиш.

22. Агентлик шартнома тузилган таълим ташкилотларини ташқи
баҳолашдан ўтказиш бўйича режа-жадвални тасдиқлайди ва уни ўз расмий
веб-сайтида эълон қилади.

3-§. Таълим сифатини ички баҳолаш

23. Таълим ташкилоти ички баҳолаш натижасида шакллантирилган
ҳисобот ва унга тегишли материалларни электрон ва (ёки) қоғоз шаклида
тасдиқланган ҳолда қуйидаги муддатларда Агентликка тақдим этади:

махсус давлат аккредитацияси учун ташқи баҳолаш бошланишидан
камида бир ой олдин;

комплекс давлат аккредитацияси учун ташқи баҳолаш бошланишидан
камида икки ой олдин.

Бунда ички баҳолаш комплекс давлат аккредитацияси ўтказиладиган
ўқув йилида ўтказилиши ҳамда таълим ташкилотининг охириги икки йиллик
ҳамда давлат аккредитациясидан ўтказиладиган ўқув йилидаги фаолияти
таҳлили қамраб олиниши лозим.

24. Ички баҳолашнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

сифатни таъминлаш циклини тўлиқ жорий этиш орқали таълим сифатини узлуксиз ошириш;

таълим ташкилотининг таълим сифатини таъминлашга бўлган жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш;

таълим хизматлари сифатини тизимли равишда баҳолаш орқали таҳлил қилиш ва ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

таълим ташкилоти (дастур)ни ташқи баҳолашга тайёрлаш;

таълим ташкилотида ҳисобдорлик ва сифатни таъминлаш маданиятини рағбатлантирувчи ички тизимни шакллантириш ва ривожлантириш.

25. Ички баҳолаш ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

таълим ташкилоти тўғрисида умумий маълумот;

таълим ташкилотининг ҳар бир баҳолаш йўналишлари ва мезонларига мувофиқлиги бўйича таҳлили;

ҳар бир баҳолаш йўналиши ва мезони кесимида таълим хизматлари сифатининг тизимли таҳлили ва уларни ривожлантириш йўналишлари;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаси;

асослантирувчи ва тасдиқловчи ҳужжатлар.

26. Агентлик ички баҳолаш ҳисоботини ўрганади ва ундан ташқи баҳолаш жараёнида фойдаланади.

27. Ички баҳолашни самарали ташкил этиш ва ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун тўлиқ масъулият таълим ташкилотининг биринчи раҳбари зиммасида бўлади.

Ташқи баҳолаш жараёнида ички баҳолаш ҳисоботида ҳаққоний бўлмаган маълумотлар аниқланиши, шунингдек, белгиланган муддатларда ҳужжатларнинг тақдим қилинмаслиги ёки камчиликларнинг бартараф этилмаслиги давлат аккредитациясидан ўтказмаслик учун асос бўлади.

28. Таълим ташкилотлари учун давлат аккредитацияси бўйича малака ошириш курслари ва ўқув-семинарлари Агентлик томонидан ташкил этилади ва уларни ўтказиш жадвали Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

4-§. Таълим сифатини ташқи баҳолаш

29. Таълим сифатини ташқи баҳолаш учун Агентлик томонидан эксперт комиссиялари ташкил этилади. Эксперт комиссиялари касблар, таълим йўналишлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар, курсларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

30. Эксперт комиссиялари таркиби таълим ташкилотларининг педагог ва раҳбар ходимлари, илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъул

ходимлари, тегишли ишлаб чиқариш ташкилотларининг мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда талаба (ўқувчи)лар орасидан шакллантирилади.

Эксперт комиссиялари таркибига хорижий экспертлар жалб этилиши мумкин.

Шаффофликни таъминлаш мақсадида Агентлик эксперт комиссиясининг таркиби бўйича таълим ташкилотини хабардор қилади.

31. Қуйидаги ҳолларда эксперт комиссиялари таркибига ўзгартириш киритилиши мумкин:

таълим ташкилоти томонидан хабарномани олган кундан бошлаб уч иш куни ичида ҳуқуқий кучга эга бўлган аниқ далиллар асосида эксперт комиссияларининг бирор аъзоси билан зиддиятлар мавжудлиги маълум қилинганида;

эксперт комиссияларининг бирор аъзоси билан давлат аккредитациясидан ўтказилаётган таълим ташкилоти билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланганда.

32. Экспертларга қўйиладиган талаблар, уларнинг малакасини ошириш ва ташқи баҳолаш жараёнига жалб этиш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

33. Экспертларга Агентлик билан тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси асосида ҳақ тўланади.

34. Эксперт комиссияларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ички баҳолаш натижалари бўйича олинган маълумотларни экспертизадан ўтказиш ҳамда ташқи баҳолашни амалга ошириш;

таълим ташкилотидаги таълим сифати ва мазмунининг давлат таълим стандартлари(талаблари), аккредитация мезонлари ва таълим дастурларига мувофиқлиги ҳамда кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш;

таълим сифатини ошириш ва таълим хизматларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш ҳамда ташқи баҳолаш натижалари юзасидан ҳисоботни тайёрлаш ва Аккредитация комиссиясига тақдим этиш.

35. Таълим дастури махсус давлат аккредитациясидан эксперт комиссияси томонидан жойига чиққан ҳолда, беш иш кунидан ошмаган муддатда ўтказилади.

36. Таълим ташкилоти комплекс давлат аккредитациясидан эксперт комиссияси томонидан жойига чиққан ҳолда қуйидаги муддатларда ўтказилади:

ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотларида, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини оширишни амалга оширувчи ташкилотларда – беш иш кунидан ошмаган муддатда;

олий таълим ташкилотларида – ўн иш кунидан ошмаган муддатда.

Иш ҳажмидан келиб чиқиб, ўрганиш муддатлари Агентлик томонидан узайтирилиши мумкин.

37. Эксперт комиссияси томонидан ташқи баҳолаш натижалари асосида ўн беш иш куни ичида дастлабки ҳисобот тайёрланади ва Агентлик орқали таълим ташкилотига тақдим қилинади.

38. Таълим ташкилоти дастлабки ҳисобот бўйича асослантирилган таклиф ва эътирозларини Агентликка уч иш куни ичида расман тақдим этади.

Бунда тақдим этилган таклиф ва эътирозлар асосида уч иш кунида эксперт комиссияси томонидан якуний ҳисобот тайёрланади.

39. Эксперт комиссияси томонидан махсус давлат аккредитациясида ҳар бир таълим дастури бўйича алоҳида, комплекс давлат аккредитациясида таълим ташкилоти бўйича ҳисобот тайёрланади.

40. Эксперт комиссияси таълим ташкилоти билан биргаликда таълим ташкилоти фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таълим сифатини ошириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқади.

41. Таълим ташкилоти томонидан тақдим қилинган ички баҳолаш ҳисоботи асосида эксперт комиссияси жойига чиқмасдан, масофавий шаклда ташқи баҳолашни амалга ошириши мумкин.

42. Ташқи баҳолаш мезонлари мажбурий ва умумий мезонларга бўлинади ҳамда ҳар бир мезон “мувофиқ”, “қисман мувофиқ” ёки “мувофиқ эмас” деб баҳоланади.

43. Эксперт комиссияси томонидан таълим ташкилоти (дастури) ҳар бир баҳолаш йўналиши бўйича баҳоланади.

Ҳар бир баҳолаш йўналиши “мувофиқ” ёки “мувофиқ эмас” деб эътироф этилади. Бунда ҳар бир баҳолаш йўналиши қуйидаги шартлар бажарилганда “мувофиқ” деб баҳоланади:

мажбурий мезонларнинг барчаси “мувофиқ” деб баҳоланганда;

умумий мезонларнинг кўпи билан иккитаси “қисман мувофиқ” деб баҳоланганда;

“мувофиқ эмас” деб баҳоланган мезонлар мавжуд бўлмаганда.

44. Таълим ташкилотларини комплекс давлат аккредитациясидан ўтказиш даврида нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг соҳавий рўйхатида биринчи 300 таликдан ўрин олган ёки Агентлик реестрига киритилган халқаро аккредитация ташкилотлари томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилган таълим дастурлари тегишли мезонлар бўйича “мувофиқ” деб баҳоланади.

45. Агентлик томонидан баҳолаш мезонлари бўйича индикаторлар ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланади.

5-§. Давлат аккредитацияси бўйича якуний қарор қабул қилиш

46. Эксперт комиссияси томонидан якуний ҳисобот асосида тайёрланган хулосани кўриб чиқиш ва таълим ташкилоти (дастури)ни давлат аккредитациясидан ўтказиш бўйича якуний қарор қабул қилиш учун Агентликда доимий фаолият юритувчи Аккредитация комиссияси тузилади.

Аккредитация комиссияси таркиби Агентлик директори буйруғи билан тасдиқланади.

Аккредитация комиссияси таркибига вазирлик, идора, ташкилот мутахассислари, иш берувчи ва таълим олувчиларнинг вакиллари ҳамда хорижий экспертлар жалб этилади.

Агентлик директори Аккредитация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

47. Аккредитация комиссияси эксперт комиссияси томонидан тақдим этилган якуний ҳисоботни бир ой муддат ичида кўриб чиқади.

Аккредитация комиссияси ҳисоботни кўриб чиқиш жараёнида қўшимча асослантирувчи маълумотларни талаб этиши ёки зарур ҳолларда, ташқи баҳолаш жараёнида иштирок этган эксперт комиссияси аъзоларини, шунингдек, соҳага оид бошқа мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

48. Аккредитация комиссияси томонидан ҳар бир баҳолаш йўналиши “мувофиқ” деб эътироф этилганда, ушбу таълим ташкилоти (дастури) “давлат аккредитациясидан ўтди” деб, “мувофиқ эмас” деб эътироф этилганда эса “давлат аккредитациясидан ўтмади” деб қарор қабул қилинади.

Аккредитация комиссияси қарори баён шаклида расмийлаштирилади ва раис томонидан тасдиқланади.

Аккредитация комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда, унинг қарори кучга эга бўлади.

Давлат аккредитациясидан ўтказиш якунлари бўйича ҳар бир таълим ташкилоти учун алоҳида ҳужжатлар йиғмажилди йиғилади ва ушбу йиғмажилд навбатдаги давлат аккредитацияси ўтказилгунга қадар Агентликда сақланади.

49. Аккредитация комиссияси таълим ташкилотлари фаолиятининг давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда таълим дастурларига мувофиқлигини эътироф этиш билан биргаликда, унинг мақомини ҳам белгилайди.

50. Агентликнинг расмий веб-сайтида барча учун очик бўлган “Давлат аккредитацияси реестри” юритилади ва унда таълим ташкилот (дастур)лари давлат аккредитациясидан ўтган ёки ўтмагани тўғрисида маълумот ҳамда якуний ҳисобот жойлаштирилади.

51. Таълим ташкилоти Таълим сифатини ошириш чора-тадбирлари режасида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда Агентликнинг расмий веб-сайтидаги электрон платформага киритиб боради.

52. Таълим дастури “давлат аккредитациясидан ўтди” деб эътироф этилганда, ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шаклдаги махсус давлат аккредитациясидан ўтганлиги тўғрисидаги сертификат таълим ташкилотига бир ҳафта муддат ичида берилади ва мазкур таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлашга рухсат этилади.

Сертификат навбатдаги комплекс давлат аккредитацияси ўтказилгунга қадар амал қилади.

Таълим дастури “давлат аккредитациясидан ўтмади” деб эътироф этилганда, ушбу таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлашга йўл қўйилмайди.

53. Ўқув йили бошланганидан сўнг махсус давлат аккредитациясидан ўтган таълим дастурлари бўйича таълим олувчиларни қабул қилишга навбатдаги қабул жараёнларидан бошлаб рухсат этилади.

54. Таълим ташкилоти “давлат аккредитациясидан ўтди” деб эътироф этилганда, ушбу Низомга 4-иловада келтирилган комплекс давлат аккредитациясидан ўтганлиги тўғрисидаги сертификат таълим ташкилотига бир ҳафта муддат ичида берилади.

Сертификатда таълим ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият тури, мақоми, таълим дастурлари ва сертификатнинг амал қилиш муддати қайд этилади.

55. Сертификат бланкалари намуналари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами, QR-коди ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиб, Агентлик буюртмасига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланади.

Агентлик директори сертификат бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

56. Комплекс давлат аккредитациясидан ўтмаган таълим ташкилотига аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун олти ой муддат берилади.

Аниқланган камчиликларни бартараф этмаган таълим ташкилоти раҳбариятининг лавозимида фаолиятини юритиш ёки юритмаслик масаласи юзасидан бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик, идора ва ташкилотга, шунингдек, нодавлат таълим ташкилоти муассисига Агентлик томонидан тақдимнома киритилади.

57. Агентлик комплекс давлат аккредитациясидан ўтмаган ва белгиланган муддатларда камчиликларни бартараф этмаган давлат таълим ташкилотини тугатиш, қайта ташкил этиш ёки мақомини ўзгартириш

(нодавлат таълим ташкилотининг лицензиясини бекор қилиш) бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдимнома киритади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бир ой муддатда тақдимнома асосида кўрилган чоралар бўйича Агентликка ахборот тақдим этади.

58. Комплекс давлат аккредитацияси натижаларига кўра муайян таълим дастурида аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган тақдирда, ушбу таълим дастури бўйича ўқув фаолиятини давом эттиришга ва қабулни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

59. Таълим ташкилоти “давлат аккредитациясидан ўтмади” деб эътироф этилганда қуйидагиларга рухсат берилмайди:

таълим ташкилотига оид реклама маълумотларини тарқатишга;

абитуриент ва талабгорларни ўқишга қабул қилишга;

талаба (ўқувчи)лари учун таълим кредитлари ажратилишига;

битирувчиларига диплом (сертификат, малака аттестати)лар берилиши ёки уларнинг тан олинишига.

60. Фаолияти тугатилган (лицензияси бекор қилинган) ўрта махсус, касбий, олий таълим ташкилоти ёки ёпилган таълим дастурида таҳсил олувчилар ўқишини давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг мос ва турдош таълим йўналишлари ва мутахассисликларига кўчириш белгиланган тартибда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширилади.

61. Лицензияси бекор қилинган таълим ташкилотининг ҳисобварағидаги захира маблағлари ҳисобидан талаба (ўқувчи)ларнинг ўқишини давом эттириш ёки эттирмаслик билан боғлиқ кўшимча харажатлар қопланади.

62. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан биргаликда ташкил этилган таълим ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг таълим ташкилотлари филиалларининг таълим дастурлари асосий таълим ташкилоти билан биргаликда ўзининг давлатида тегишли ваколатли органидан аккредитациядан ўтказилгани бўйича натижалари тан олинади.

Ушбу таълим ташкилотлари таълим дастурларининг аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги ёки унга тенглаштирилган ҳужжатни олганидан сўнг, унинг нусхасини икки ҳафта муддатда Агентликка тақдим этиши лозим.

Таълим ташкилоти (дастури)нинг аккредитациядан ўтмагани ёки давлат аккредитацияси талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланганда, Агентлик томонидан навбатдан ташқари давлат аккредитациясига жалб этилади.

63. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан биргаликда ташкил этилган таълим ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг таълим ташкилотлари филиаллари, шунингдек, хорижий давлатлар билан биргаликда ташкил этилган халқаро, қўшма ва “Франшиза” таълим дастурлари бўйича таълим ташкилоти ўз мурожаатига кўра Агентлик томонидан ушбу Низом талаблари асосида давлат аккредитациясидан ўтказилади.

3-боб. Апелляция комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби

64. Агентлик директорининг буйруғи билан таълим ташкилотларининг ариза (шикоят)ларини кўриб чиқиш учун Апелляция комиссияси ҳамда унинг ишлаш тартиби тасдиқланади.

Апелляция комиссияси 5 – 7 нафардан иборат таркибда тузилади.

Апелляция комиссияси таркибига Аккредитация комиссияси аъзолари киритилмайди.

Апелляция комиссияси ариза (шикоят)ларни кўриб чиқиш жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда, унинг қарори кучга эга бўлади.

65. Аккредитация хулосасидан норози бўлган таълим ташкилоти раҳбари Аккредитация хулосасини олган кундан бошлаб уч иш куни ичида Апелляция комиссиясига аккредитация платформаси орқали электрон шаклда ариза (шикоят) билан мурожаат қилади.

66. Ариза (шикоят) мурожаат қилинган кундан бошлаб ўн иш куни ичида Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Ариза (шикоят)ни кўриб чиқиш вақти Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

67. Апелляция комиссияси ариза (шикоят)ни кўриб чиқиб, Аккредитация комиссияси қарорини ўзгартиришсиз қолдириш ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Апелляция комиссияси қарорининг нусхаси мурожаат этувчи таълим ташкилотига Апелляция комиссияси қарори чиққан кундан эътиборан уч иш куни ичида тақдим этилади.

Апелляция комиссияси Аккредитация комиссияси қарорини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилганда, Аккредитация комиссияси навбатдаги йиғилишида ўзининг қарорига тегишли ўзгартириш киритиб, якуний қарор қабул қилади ва таълим ташкилоти раҳбарига беш иш куни ичида давлат аккредитациясидан ўтганлик тўғрисидаги сертификат тақдим этилади.

68. Таълим ташкилоти раҳбари ёки муассиси Апелляция комиссияси қароридан норози бўлса, белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

**4-боб. Давлат аккредитацияси натижаларининг мониторинги
ва хавфни таҳлил қилиш**

69. Агентлик таълим сифатини ошириш чора-тадбирлари режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан таълим ташкилотида мониторинг жараёнларини амалга оширади.

70. Мониторинг натижасида таълим ташкилоти томонидан таълим тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилган ёки амалга оширилаётган таълим хизматлари давлат аккредитацияси талабларига мос келмаслиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, ишнинг ҳажмидан келиб чиқиб, таълим ташкилотига камчиликларни бартараф этиш учун уч ойгача муддат берилади.

71. Агентлик таълим сифати барқарорлигини таъминлаш, бошқарувни яхшилаш ва эҳтимолий хавфларни бартараф этиш мақсадида таълим ташкилотларида хавфни таҳлил қилиш асосида навбатдан ташқари ўрганиш ўтказди.

Қуйидагилар хавфни таҳлил қилиш учун асос ҳисобланади:

таълим сифати бўйича қонунчилик талабларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан мурожаатлар;

сўровномалар асосида аниқланган камчиликлар;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги таълим сифати бўйича материаллар;

таълим сифатига оид бошқа ишончли маълумотлар.

72. Навбатдан ташқари ўрганиш таълим ташкилотига ташриф буюриш, тегишли маълумотларни сўраш ёки онлайн сўровномалар асосида ташкил этилади.

73. Хавфни таҳлил қилиш ва мониторинг орқали ўрганиш натижасида камчиликлар аниқланганда, Агентлик таълим ташкилотига тақдимнома киритади ҳамда камчиликларни бартараф этиш учун муддат белгилайди.

74. Давлат аккредитацияси ва хавфни таҳлил қилиш натижаси бўйича Агентлик тақдимномасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш таълим ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

75. Камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этмаган таълим ташкилотининг давлат аккредитациясидан ўтганлик тўғрисидаги сертификати Агентлик томонидан бекор қилинади ҳамда бу ҳақида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хабардор қилинади.

5-боб. Таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан ўтказиш бўйича йиғимлар

76. Давлат аккредитациясидан ўтказишда аризани кўриб чиқиш ва давлат аккредитациясидан ўтказиш учун йиғимлар миқдорлари ва тартиби таълим дастурлари, талаба (ўқувчи)лар, педагог кадрлар ва экспертлар сони ҳамда таълим дастурларининг хусусиятидан келиб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

77. Давлат аккредитациясидан ўтказиш учун амалга оширилган барча йиғимлар, аккредитация натижасидан қатъи назар, таълим ташкилотига қайтарилмайди.

78. Давлат аккредитацияси билан боғлиқ харажатлар таълим ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

79. Таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан ўтказиш билан боғлиқ йиғимлар Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига ўтказилади ва давлат аккредитацияси билан боғлиқ харажатлар (экспертлар меҳнатига ҳақ тўлаш, таълим ташкилотлари ва экспертлар учун тренинглар, хизмат сафари харажатлари, халқаро экспертлар ва стажировкалар, халқаро аъзолик бадаллари, сертификатлар ва бошқалар), шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадларга йўналтирилади.

6-боб. Аккредитация ташкилотларига қўйиладиган талаблар

80. Агентлик Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган халқаро, хорижий ва нодавлат аккредитация ташкилотлари реестрини (кейинги ўринларда – Реестр) юритади.

81. Аккредитация ташкилотларини рўйхатга олиш куйидаги босқичлардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиш учун Агентликка ариза тақдим этиш;

Агентлик томонидан аккредитация ташкилоти фаолиятини ўрганиш ва натижалар асосида Реестрга киритиш бўйича қарор қабул қилиш ҳамда реестрни тасдиқлаш.

Реестрга киритилган аккредитация ташкилотлари фаолияти беш йил муддатга амал қилади.

82. Реестрга киритишнинг асосий шартлари куйидагилардан иборат:

аккредитация ташкилоти сифатида фаолият юритиши учун тегишли ваколат (ҳужжат)га эга бўлиши;

аккредитация ташкилотининг халқаро аккредитациядан ўтказиш талаблари, баҳолаш мезонлари ва ўтказиш тартиблари Ўзбекистон

Республикасининг давлат аккредитациясидан ўтказиш талаблари, баҳолаш мезонлари ва ўтказиш тартибларига зид бўлмаслиги;

таълим сифатини таъминлаш тармоқларининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиши;

нуфузли халқаро рейтингларнинг ТОП-300 талик рўйхатида бўлган камида 5 та олий таълим ташкилотининг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказган бўлиши;

умумий экспертларининг камида 30 фоизи хорижий эксперт бўлиши (халқаро ва хорижий аккредитация ташкилотлари учун);

Аккредитация ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ва маънавий асосларига мутаносиб бўлиши, миллий қадриятлар ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига қарши бўлмаслиги;

ўзининг расмий веб-сайтида халқаро аккредитациядан ўтказган таълим ташкилотлари тўғрисида маълумотларнинг мавжудлиги.

83. Республика ҳудудида нодавлат аккредитация ташкилотларини ташкил этишга рухсат бериш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

84. Агентлик Реестрга киритилган аккредитация ташкилотлари фаолиятини ҳар уч йилда бир маротаба мониторингдан ўтказди.

Мониторингдан ўтказиш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

85. Аккредитация ташкилоти ёки унинг ходимлари муассислигида ташкил этилган ёхуд аккредитация ташкилоти ходими ҳар қандай шартнома асосида фаолият юритадиган таълим ташкилотларининг мазкур аккредитация ташкилоти томонидан халқаро аккредитациядан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

86. Аккредитация ташкилоти таълим дастурларини ташқи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи ва аккредитация қарорининг бир нусхасини халқаро аккредитация жараёнлари якунлангандан сўнг икки ҳафта муддатда Агентликка тақдим этиши шарт.

87. Аккредитация ташкилотининг ташқи баҳолаш бўйича ҳисоботи нотўғри ёки қалбаки ҳужжатлар асосида шакллантирилгани аниқланса, унинг натижаси тан олинмайди ва аккредитация ташкилотини Реестрдан чиқариш учун асос бўлади.

88. Аккредитация ташкилотлари таълим ташкилотларининг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш жараёнларида кузатувчи сифатида Агентлик вакиллари ҳам иштирок этишлари мумкин.

89. Таълим дастурларининг халқаро аккредитациядан ўтганлиги уларнинг битирувчиларига давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжат берилишига асос бўлмайди.

7-боб. Якунловчи қоидалар

90. Фаолият олиб бораётган таълим ташкилот(лар)и қайта ташкил этилган ва (ёки) бир (бир нечта) таълим ташкилоти негизида ташкил этилганда, мазкур таълим ташкилоти ташкил этилган кундан эътиборан икки йил муддат ичида комплекс ва (ёки) махсус давлат аккредитациясидан ўтказилади.

91. Агентликка, зарур ҳолларда, таълим ташкилот (дастур)ларини комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказишнинг баҳолаш йўналишлари ва мезонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

92. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан
кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини
комплекс ҳамда махсус давлат аккредитациясидан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим,
шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш ташкилотларининг таълим дастурларини махсус давлат
аккредитациясидан ўтказишнинг
БАҲОЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

**I. Ўрта махсус таълим дастурлари қуйидаги мезонларга мувофиқ
баҳоланади:**

Ташкилий-бошқарув ва сифатни таъминлаш йўналиши:

таълим дастурини амалга ошириш бўйича таркибий тузилма ва унинг
самарали ишлаш механизмларининг мавжудлиги;*

таълим дастурини ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини
таъминлаш бўйича 3 йиллик истиқболли режанинг мавжудлиги;

таълим дастури доирасида сифатни ички таъминлаш механизмнинг
мавжудлиги ҳамда бу жараёнларда манфаатдор томонларнинг иштироки;

меҳнат бозори ва таълим эҳтиёжлари сўнгги тенденцияларини аниқлаш
бўйича мониторинг тизимининг мавжудлиги;

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқувчилар ўртасида сўровномалар
ўтказилгани ва унинг натижалари асосида таълим дастурининг
такомиллаштирилгани;

Таълим дастурлари йўналиши:

манфаатдор томонлар иштирокида таълим дастурининг белгиланган
тартибда ишлаб чиқилгани ва тасдиқлангани;*

таълим дастурининг мақсади, натижаларининг белгилангани, давлат
таълим стандарти ва миллий малакалар рамкаси талабларига мувофиқлиги;*

таълим дастурининг давомийлиги, фанларнинг узвийлиги
ва узлуксизлигининг таъминлангани;

амалдаги таълим дастурларининг тизимли равишда мониторинги
юритилгани ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш
бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилгани;*

**Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқув натижаларини баҳолаш
йўналиши:**

ишчи ўқув режа ва дастурларининг белгиланган талабларга мувофиқ
ишлаб чиқилгани;*

ўқув жараёнининг таълим дастурида белгиланган ўқув натижаларига эришишга йўналтирилгани;*

ўқув жараёнининг доимий баҳолаб борилиши ва такомиллаштиришга қаратилгани;

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларнинг қўлланилгани ва тегишли самарадорликка эришилгани;

таълим дастури доирасида ўқувчилар билимининг шаффоф ва холис баҳоланиши, баҳолаш жараёнларининг ўқув натижаларига мувофиқлиги;

ўқувчиларнинг баҳолаш натижалари бўйича фикр-мулоҳазаларини олиш имконияти мавжудлиги;

Ўқувчилар фаолияти йўналиши:

таълим дастури бўйича қабул талаблари аниқ белгилангани, ўқишга қабул қилиш шаффоф тарзда йўлга қўйилгани;

қабул параметрларининг таълим ташкилотининг ресурслари ва имкониятларига мос келиши;*

ўқувчиларнинг ўқишини кўчириш, курсдан-курса ўтказиш (қолдириш), ўқишдан четлаштириш ва ўқишни қайта тиклаш тартибининг белгилангани;*

ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга маслаҳат бериш механизмларининг мавжудлиги;

Инсон ресурслари йўналиши:

таълим дастури учун белгиланган меъёрларга мувофиқ педагог кадрлар, шунингдек, бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимлар мавжудлиги ҳамда уларнинг сифат таркиби, малакаси ва мутахассислиги белгиланган талабларга мослиги;*

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқув режадаги фанларга мос (тегишли) касбий, педагогик ва илмий компетенцияларга эга педагог кадрлар билан таъминлангани;*

янги таълим дастурлари бўйича ўқув режадаги фанларга мос (тегишли) касбий, педагогик ва илмий компетенцияларга эга педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича аниқ режанинг мавжудлиги;*

кадрларнинг касбий ривожланиши ва малака оширишига шароит яратилгани, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимининг мавжудлиги;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

таълим ташкилотидаги ўқув ва лаборатория хоналари таълим дастурига мослиги, ўқув хоналарининг ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани;*

таълим дастурини амалга ошириш учун етарли миқдорда моддий-техник база, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва реактив моддалар ҳамда методик қўлланма (кўрсатма)лар билан таъминлангани;*

фанлар кесимида ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, электрон таълим ресурслари билан белгиланган талабларга мувофиқ таъминлангани;*

ўқув ва лаборатория хоналарининг таълим дастурларига мослиги, хавфсизлик қоидалари ва ўқувчилар сонидан келиб чиқиб жиҳозлангани;*

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани;

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) таълим дастурларига мос ўқув адабиётлари, компьютерлар билан таъминлангани, ўқув зали ва электрон кутубхонанинг мавжудлиги;*

рақамли таълим муҳити яратилгани (LMS, wi-fi зоналари, онлайн курслар, вебинарлар ва масофавий таълим имкониятлари);

таълим дастури хусусиятидан келиб чиқиб, махсус хона ёки бино ва иншоотларининг (спорт зали, стадион, мусиқа хонаси ва бошқаларнинг) мавжудлиги.

II. Касбий таълим дастурлари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

Ташкилий-бошқарув ва сифатни таъминлаш йўналиши:

таълим дастурини амалга ошириш бўйича таркибий тузилма ва унинг самарали ишлаш механизмларининг мавжудлиги;*

таълим дастурини ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича 3 йиллик истиқболли режанинг мавжудлиги;

таълим дастури доирасида сифатни ички таъминлаш механизмининг мавжудлиги ҳамда бу жараёнларда манфаатдор томонларнинг иштироки таъминлангани;

меҳнат бозори ва таълим эҳтиёжлари ҳамда илмий-тадқиқотнинг сўнгги тенденцияларини аниқлаш бўйича мониторинг тизимининг мавжудлиги;

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқувчилар ўртасида сўровномалар ўтказилгани ва унинг натижалари асосида таълим дастурларининг такомиллаштирилгани;

Таълим дастурлари йўналиши:

манфаатдор томонлар иштирокида таълим дастурининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилгани. Бунда таълим дастурининг мақсади, натижаларининг белгилангани, меҳнат бозори, давлат таълим стандарти ва миллий малакалар рамкаси талабларига мувофиқлиги;*

таълим дастурининг мазмуни ва структураси назария ҳамда амалиёт билан мутаносиб равишда уйғунлаштирилгани;

таълим дастурининг давомийлиги, фанларнинг узвийлиги ва узлуксизлиги таъминлангани;

амалдаги таълим дастурларининг тизимли равишда мониторинги юритилгани ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилгани;*

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқув натижаларини баҳолаш йўналиши:

ишчи ўқув режа ва дастурларининг белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилгани;*

ўқув жараёнининг таълим дастурида белгиланган ўқув натижаларига эришишга йўналтирилгани;*

ўқув жараёнининг доимий баҳолаб борилиши ва такомиллаштиришга қаратилгани;

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларнинг қўлланилгани ва тегишли самарадорликка эришилгани;

таълим дастури доирасида ўқувчилар билимининг шаффоф ва холис баҳоланиши, баҳолаш жараёнларининг ўқув натижаларига мувофиқлиги;

ўқувчиларнинг баҳолаш натижалари бўйича фикр-мулоҳазаларини олиш имконияти мавжудлиги;

Ўқувчилар фаолияти йўналиши:

таълим дастури бўйича қабул талаблари аниқ белгилангани, ўқишга қабул қилиш шаффоф тарзда йўлга қўйилгани;

қабул параметрларининг таълим ташкилотининг ресурслари ва имкониятларига мос келиши;*

ўқувчилар ўқишини кўчириш, курсдан-курсга ўтказиш (қолдириш), ўқишдан четлаштириш ва ўқишни қайта тиклаш тартибининг белгилангани;*

норасмий ва орттирилган кўникма ва малакаларни тан олиш тартибининг белгилангани;

ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга маслаҳат бериш механизмларининг мавжудлиги;

Инсон ресурслари йўналиши:

таълим дастури учун белгиланган меъёрларга мувофиқ педагог кадрлар, шунингдек, бошқарув ва ўқув-ёрдмчи ходимлар мавжудлиги ҳамда уларнинг сифат таркиби, малакаси ва мутахассислиги белгиланган талабларга мослиги;*

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқув режадаги фанларга мос (тегишли) касбий, педагогик ва илмий компетенцияларга эга педагог кадрлар билан таъминлангани;*

янги таълим дастурлари бўйича ўқув режадаги фанларга мос (тегишли) касбий, педагогик ва илмий компетенцияларга эга педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича аниқ режанинг мавжудлиги;*

кадрларнинг касбий ривожланиши ва малака оширишига шароит яратилгани, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимининг мавжудлиги;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

таълим дастурини амалга ошириш бўйича амалий ва лаборатория машғулоти учун зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар, техникалар, хомашё материаллари ва бошқаларнинг мавжудлиги ҳамда методик қўлланма (кўрсатма)лар билан таъминлангани;*

фанлар кесимида ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, электрон таълим ресурслари билан белгиланган талабларга мувофиқ таъминлангани;*

ўқув ва лаборатория хоналари ҳамда устахона (полигон)ларнинг ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, таълим дастурларига мос жиҳозлар ва ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлангани ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя қилингани;*

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани;

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) таълим дастурларига мос ўқув адабиётлари, компьютерлар билан таъминлангани, ўқув зали ва электрон кутубхонанинг мавжудлиги;*

рақамли таълим муҳити яратилгани (LMS, wi-fi зоналари, онлайн курслар, вебинарлар ва масофавий таълим имкониятлари);

таълим дастури хусусиятидан келиб чиқиб, махсус хона ёки бино ва иншоотларининг (спорт зали, стадион, мусиқа хонаси ва бошқаларнинг) мавжудлиги.

III. Олий таълим дастурлари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

Ташкилий-бошқарув ва сифатни таъминлаш йўналиши:

таълим дастурини амалга ошириш бўйича таркибий тузилма ва унинг самарали ишлаш механизмларининг мавжудлиги;*

таълим дастурини ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича 5 йиллик истикболли режанинг мавжудлиги;

таълим дастури доирасида сифатни ички таъминлаш механизмининг мавжудлиги ҳамда бу жараёнларда манфаатдор томонларнинг иштироки таъминлангани;

меҳнат бозори ва таълим эҳтиёжлари ҳамда илмий-тадқиқотнинг сўнгги тенденцияларини аниқлаш бўйича мониторинг тизимининг мавжудлиги;

амалдаги таълим дастурлари бўйича талабалар ўртасида сўровномалар ўтказилгани ва унинг натижалари асосида таълим дастурларининг такомиллаштирилгани;

Таълим дастурлари йўналиши:

манфаатдор томонлар иштирокида таълим дастурининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилгани. Бунда таълим дастурининг мақсади, натижаларининг белгилангани, меҳнат бозори, давлат таълим стандарти ва миллий малакалар рамкаси талабларига мувофиқлиги;*

таълим дастурининг миллий таълим тизимидаги устувор йўналишлар ва халқаро андозалар асосида ишлаб чиқилгани;

таълим дастурининг давомийлиги, фанларнинг узвийлиги ва узлуксизлиги таъминлангани;

амалдаги таълим дастурларининг тизимли равишда мониторинги юритилгани ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилгани;*

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқув натижаларини баҳолаш йўналиши:

ишчи ўқув режа ва дастурларининг белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилгани;*

ўқув жараёнининг таълим дастурида белгиланган ўқув натижаларига эришишга йўналтирилгани;*

ўқув жараёнининг доимий баҳолаб борилиши ва такомиллаштиришга қаратилгани;

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларнинг қўлланилгани ва тегишли самарадорликка эришилгани;

таълим дастури доирасида талабалар билимининг шаффоф ва холис баҳоланиши, баҳолаш жараёнларининг ўқув натижаларига мувофиқлиги;

талабаларнинг баҳолаш натижалари бўйича фикр-мулоҳазаларини олиш имконияти мавжудлиги;

таълим дастурида академик ҳалоллик қоидаларининг белгилангани ва унга зид ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали тизимнинг мавжудлиги;*

Талабалар фаолияти йўналиши:

таълим дастури бўйича қабул талаблари аниқ белгилангани, ўқишга қабул қилиш шаффоф тарзда йўлга қўйилгани;

қабул параметрларининг таълим ташкилотининг ресурслари ва имкониятларига мос келиши;*

талабаларнинг ўқишини кўчириш, курсдан-курсга ўтказиш (қолдириш), ўқишдан четлаштириш ва ўқишини қайта тиклаш тартибининг белгилангани;*

талабаларни қўллаб-қувватлаш ва уларга маслаҳат бериш механизмларининг мавжудлиги;

Инсон ресурслари йўналиши:

таълим дастури учун белгиланган меъёрларга мувофиқ педагог кадрлар, шунингдек, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар

мавжудлиги ҳамда уларнинг сифат таркиби, малакаси ва мутахассислиги белгиланган талабларга мослиги;*

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқув режадаги фанларга мос (тегишли) касбий, педагогик ва илмий компетенцияларга эга педагог кадрлар билан таъминлангани;*

янги таълим дастурлари бўйича ўқув режадаги фанларга мос (тегишли) касбий, педагогик ва илмий компетенцияларга эга педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича аниқ режанинг мавжудлиги;*

кадрларнинг касбий ривожланиши ва малака оширишига шароит яратилгани, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимининг мавжудлиги;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

таълим дастурини амалга ошириш учун амалий, лаборатория машғулоти ва курс иши (лойиҳа)ни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар, техникалар, хомашё материаллари ва бошқаларнинг мавжудлиги ҳамда методик қўлланма (кўрсатма)лар билан таъминлангани;*

фанлар кесимида ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, электрон таълим ресурслари билан белгиланган талабларга мувофиқ таъминлангани;*

ўқув ва лаборатория хоналари ҳамда устахона (полигон)ларнинг талабалар сонидан келиб чиқиб, таълим дастурларига мос жиҳозлар ва ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлангани ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя қилингани;*

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани;

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) таълим дастурларига мос ўқув адабиётлари, компьютерлар билан таъминлангани, ўқув зали ва электрон кутубхонанинг мавжудлиги;*

рақамли таълим муҳити яратилгани (LMS, wi-fi зоналари, онлайн курслар, вебинарлар ва масофавий таълим имкониятлари);

таълим дастури хусусиятидан келиб чиқиб, махсус хона ёки бино ва иншоотларининг (спорт зали, стадион, мусика хонаси ва бошқаларнинг) мавжудлиги.

IV. Олий таълимдан кейинги таълим дастурлари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

Ташкилий-бошқарув ва сифатни таъминлаш йўналиши:

таълим дастурини амалга ошириш бўйича таркибий тузилма ва унинг самарали ишлаш механизмларининг мавжудлиги;*

таълим дастурини ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича 3 йиллик истиқболли режанинг мавжудлиги;

таълим дастури доирасида сифатни ички таъминлаш механизмининг мавжудлиги ҳамда бу жараёнларда манфаатдор томонларнинг иштироки;

меҳнат бозори ва таълим эҳтиёжлари ҳамда илмий-тадқиқотнинг сўнгги тенденцияларини аниқлаш бўйича мониторинг тизимининг мавжудлиги;

таълим дастурининг самарадорлигини мониторинг қилиш ва такомиллаштириш механизмларининг жорий этилгани;

Таълим дастурлари йўналиши:

манфаатдор томонлар иштирокида таълим дастурининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилгани. Бунда таълим дастурининг мақсади, натижаларининг белгилангани, меҳнат бозори, давлат таълим талаби ва миллий малакалар рамкаси талабларига мувофиқлиги;*

таълим дастурини ривожлантириш бўйича йиллик устувор йўналишлар ишлаб чиқилгани, асосий фаолият самарадорлик кўрсаткичлари (KPI), зарур ресурслар ва масъуллар билан таъминлангани;

қабул параметрлари таълим ташкилотининг тадқиқот ва илмий раҳбарлик салоҳияти, жамиятдаги илмий ва ижтимоий эҳтиёжлар, меҳнат бозори таҳлили асосида шакллантирилгани;*

таълим дастури илмий-тадқиқот режасида белгиланган давомийлик муддатида кутилаётган тадқиқот натижаларига эришилишини таъминлашга қаратилгани;

амалдаги таълим дастурларининг тизимли равишда мониторинги юритилгани ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилгани;*

таълим дастурининг мазмунида ўқиш жараёни давомида тадқиқот фаолиятининг кўзда тутилгани ва изланувчиларни тадқиқот фаолиятига тайёрлашга йўналтирилгани;

Тадқиқот жараёнини ташкил этиш ва тадқиқот натижаларини баҳолаш йўналиши:

таълим дастурида изланувчилар фаолиятини баҳолаш тартибининг мавжудлиги ва баҳолаш усуллари белгиланган тадқиқот натижаларига қай даражада эришилганини аниқлашга йўналтирилгани;*

таълим дастурида академик эркинлик ва ҳалоллик қоидаларининг белгилангани ва унга зид ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали тизимнинг мавжудлиги;*

изланувчиларнинг баҳолаш натижалари бўйича фикр-мулоҳазаларини олиш имконияти мавжудлиги;

Изланувчилар фаолияти йўналиши:

таълим дастури бўйича қабул талаблари аниқ белгилангани, ўқишга қабул қилиш шаффоф тарзда йўлга қўйилгани;

қабул параметрларининг таълим ташкилотининг ресурслари ва имкониятларига мос келиши;*

изланувчиларни ўқишга қабул қилиш, ўқишдан четлаштириш ва ўқиш муддатини узайтириш тартибининг белгилангани;*

изланувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга маслаҳат бериш хизматларининг мавжудлиги;

Инсон ресурслари йўналиши:

илмий раҳбар ва консультантларнинг кўникма, малака ва илмий даражаларининг ихтисосликка мослиги;*

таълим дастури етарлича мутахассис ва маъмурий-бошқарув ходимлари билан таъминлангани, уларнинг сифат таркиби, малакаси ва мутахассислиги белгиланган талабларга жавоб бериши;*

илмий раҳбар ва консультантларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимининг мавжудлиги;

хорижлик илмий раҳбар ва консультантларни жалб қилиш имкониятларининг мавжудлиги;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

ихтисослик хусусиятидан ва изланувчилар сонидан келиб чиқиб, тадқиқот соҳаси бўйича илмий манбаларнинг мавжудлиги ва электрон ресурслар билан белгиланган талабларга мувофиқ таъминлангани;*

маҳаллий ҳамда халқаро ахборот ва маълумотлар базасидан (Scopus, Web of Science ёки бошқа умумэътироф этилган индексацияланган маълумотлар базалари журналлари) фойдаланиш имкониятларининг яратилгани;

илмий-экспериментал лабораториялар билан таъминланганлик даражаси, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар, техникалар, хомашё материаллари ва бошқалар билан таъминлангани ва улардан фойдаланилиши ҳолати;

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани.

V. Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим дастурлари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

Ташкилий-бошқарув ва сифатни таъминлаш йўналиши:

таълим дастурини амалга ошириш бўйича таркибий тузилма ва унинг самарали ишлаш механизмларининг мавжудлиги;*

таълим дастурини ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича 3 йиллик истиқболли режанинг мавжудлиги;

таълим дастури доирасида сифатни ички таъминлаш механизмининг мавжудлиги ҳамда бу жараёнларда манфаатдор томонларнинг иштироки;

меҳнат бозори ва таълим эҳтиёжларини аниқлаш бўйича мониторинг тизимининг мавжудлиги;

Таълим дастурлари йўналиши:

манфаатдор томонлар иштирокида таълим дастурининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилгани. Бунда таълим дастурининг мақсади, натижаларининг белгилангани, меҳнат бозори, давлат таълим талаби ва миллий малакалар рамкаси талабларига мувофиқлиги;*

таълим дастурининг миллий таълим тизимидаги устувор йўналишлар ва халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилгани;

таълим дастурининг давомийлиги, модулларнинг узвийлиги ва узлуксизлиги таъминлангани;

таълим мазмунининг замонавий андрагогик ёндашувларга мослиги, модуллар муаммоли кейслар асосида шакллантирилгани;

амалдаги таълим дастурларининг тизимли равишда мониторинги юритилгани ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилгани;*

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқув натижаларини баҳолаш йўналиши:

ўқув жараёнининг таълим дастурида белгиланган ўқув натижаларига эришишга йўналтирилгани ва малака оширишнинг муқобил шаклларининг йўлга қўйилгани;*

ўқув жараёнининг тўғри ташкил этилгани, унинг доимий баҳолаб борилиши ва такомиллаштиришга қаратилгани;

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларнинг қўлланилгани ва тегишли самарадорликка эришилгани;

тингловчиларнинг кириш ва чиқиш тестлари, баҳолаш натижалари бўйича фикр-мулоҳазаларини олиш имконияти мавжудлиги;

таълим дастурида академик ҳалоллик қоидаларининг белгилангани ва унга зид ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали тизимнинг мавжудлиги;

Тингловчилар фаолияти йўналиши:

таълим дастури бўйича қабул талаблари аниқ белгилангани, ўқишга қабул қилиш шаффоф тарзда йўлга қўйилгани;

малака ошириш режа-графиги таълим ташкилотининг ресурслари ва имкониятларига мос келиши ҳамда таълим дастурларини самарали амалга ошириш учун етарлилиги;*

тингловчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга маслаҳат бериш механизмларининг мавжудлиги;

Инсон ресурслари йўналиши:

таълим дастури учун белгиланган меъёрларга мувофиқ педагог кадрлар, шунингдек, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар мавжудлиги ҳамда уларнинг сифат таркиби, малакаси ва мутахассислиги белгиланган талабларга мослиги;*

амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқув режадаги модулларга мос (тегишли) касбий, педагогик ва илмий компетенцияларга эга педагог кадрлар билан таъминлангани;*

янги таълим дастурлари бўйича ўқув режадаги модулларга мос (тегишли) касбий, педагогик ва илмий компетенцияларга эга педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича аниқ режанинг мавжудлиги;*

амалиётчи ҳамда хорижий мутахассисларни жалб қилиш имкониятларининг мавжудлиги;

кадрларнинг касбий ривожланиши ва малака оширишига шароит яратилгани, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимининг мавжудлиги;

хорижда малака оширган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига жалб қилингани;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

таълим дастурини амалга ошириш бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини бажариш учун зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар, техникалар, хомашё материаллари ва бошқаларнинг мавжудлиги ҳамда методик қўлланма (кўрсатма)лар билан таъминлангани;*

модуллар кесимида ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, электрон таълим ресурслари билан белгиланган талабларга мувофиқ таъминлангани;*

ўқув ва лаборатория хоналари ҳамда устахона (полигон)ларнинг тингловчилар сонидан келиб чиқиб, таълим дастурларига мос жиҳозлар ва ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлангани ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя қилингани;*

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани;

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) таълим дастурларига мос ўқув адабиётлари, компьютерлар билан таъминлангани, ўқув зали ва электрон кутубхонанинг мавжудлиги;*

рақамли таълим муҳити яратилгани (LMS, wi-fi зоналари, онлайн курслар, вебинарлар ва масофавий таълим имкониятлари);

Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан
кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини
комплекс ҳамда махсус давлат аккредитациясидан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим,
шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш ташкилотларини комплекс давлат
аккредитациясидан ўтказишнинг
БАҲОЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

**I. Ўрта махсус таълим ташкилотлари қуйидаги мезонларга
мувофиқ баҳоланади:**

Ташкилий-бошқарув фаолияти йўналиши:

таълим ташкилоти фаолиятини самарали ташкил этиш
ва режалаштириш, таълим сифатини таъминлаш учун молиявий
ресурсларнинг мақсадли йўналтирилгани;

таълим ташкилотида Педагогик кенгаш фаолияти йўлга қўйилгани ва унинг
самарадорлиги;*

таълим ташкилотини ривожлантириш режасининг ишлаб чиқилгани
ва уни амалга ошириш учун ресурслар мавжудлиги, шунингдек, унинг
жамоатчилик учун очиқлиги ва мониторинги юритилгани;*

таълим жараёнларини бошқариш ҳамда таълим сифатини назорат қилиш
бўйича ахборот тизимининг мавжудлиги ва ушбу тизимнинг таълим соҳасидаги
ваколатли давлат органларининг ахборот тизимларига интеграция қилингани;

Таълим сифатини таъминлаш йўналиши:

манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда таълим сифатини ички
таъминлашнинг йўлга қўйилгани;*

таълим сифатини ички таъминлаш тизими самарадорлиги мунтазам
таҳлил қилиб борилгани ва таҳлил натижалари асосида такомиллаштириш
чораларининг кўрилгани;*

ўқувчилар билимини баҳолашнинг белгиланган тартибда амалга
оширилгани ва унинг ўқув натижаларига мувофиқлиги;

битирувчилар бандлиги мониторинги юритилгани ва манфаатдор
томонларнинг битирувчиларга оид фикр-мулоҳазалари мунтазам равишда
таҳлил қилингани;

Ўқувчилар фаолияти йўналиши:

қабул параметрларининг таълим ташкилоти ресурслари
ва имкониятларига мослиги;*

ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш белгиланган тартиб-қоидалар асосида тўғри ташкил қилингани ҳамда шаффоф ва адолатли амалга оширилгани;*

ўқувчилар ўқишини кўчириш, курсдан-курсга ўтказиш ва ўқишдан четлаштириш жараёнларининг белгиланган тартибда амалга оширилгани;*

ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари ташкил этилгани, уларнинг меҳнат бозоридаги ва таълимнинг кейинги босқичи бўйича мавжуд имкониятлар тўғрисидаги ишончли ахборотлар билан таъминлангани;

ўқувчиларнинг республика ва халқаро фан олимпиадалари, танловлар, мусобақаларда иштирок этгани ҳамда уларда совриндор бўлган ўқувчиларнинг рағбатлантирилгани;

битирувчиларнинг олий таълим ташкилотларига ўқишга киргани;

Ўқув жараёнини ташкил этиш йўналиши:

ўқув жараёнини режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқилгани ва белгиланган тартибда тасдиқлангани;*

педагогларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари белгиланган талаб асосида ишлаб чиқилгани ва юритилиши;*

педагогларга ўқув юкламаларининг белгиланган нормаларга мувофиқ ажратилгани;

ўқув жараёнида илғор педагогик технологиялар қўлланилгани ва тегишли самарадорликка эришилгани;

таълим ташкилотида дарс таҳлилларининг олиб борилгани ва натижаларининг муҳокама қилингани;

Инсон ресурслари йўналиши:

таълим ташкилотида педагог кадрларнинг маълумоти, мутахассислиги (ихтисослиги) дарс ўтадиган фан(лар)га мослиги ва сифат таркиби;*

таълим ташкилотига педагог кадрларнинг белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тўғри ташкил қилингани ҳамда кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилгани;

раҳбар ва педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг йўлга қўйилгани ҳамда уларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилгани;

педагог кадрларни касбий ривожлантириш, тажрибасини оммалаштириш ва малака ошириши учун шароит яратилгани;

ўқув жараёнларига олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчиларининг жалб қилингани;

Ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш йўналиши:

ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилиш учун тўғрақ машғулотларининг йўлга қўйилгани ва уларнинг самарадорлиги;*

ўқувчиларга етарли даражада таълим олиш ва психологик қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат бериш ва карьера хизматларининг ташкил этилгани;

таълим хизматлари юзасидан ўқувчилар фикр-мулоҳазаларининг мониторинг қилиниши ва унинг натижалари асосида такомиллаштириш чораларининг кўрилгани;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган ва иқтидорли ўқувчиларга шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш механизмларининг жорий этилгани;

ёшлар билан ишлаш самарадорлиги, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилгани;

ўқувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибининг мавжудлиги;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

таълим йўналиши хусусиятидан келиб чиқиб ўқув жараёнини ташкил қилиш учун ўқувчилар контингентига мос равишда зарур бино ва иншоотлар, замонавий моддий-техник база, реагентлар ва дастурий таъминот билан таъминлангани;*

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) ўқувчилар контингентига мос ўқув ва бадиий адабиётлар, ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлангани ҳамда унда ўқув зали ва электрон кутубхонанинг мавжудлиги;*

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани;

барча ўқув ва лаборатория хоналарида жиҳозларнинг тегишли хавфсизлик қоидалари ҳамда ўқитиш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилгани;

ўқув хоналарининг ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани ва рақамли таълим муҳити яратилгани;

таълим ташкилотида ўқувчилар контингентига мос буфет/ошхона, ўриндиқлар ва спорт майдонларининг мавжудлиги.

II. Касбий таълим ташкилотлари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

Ташкилий-бошқарув фаолияти йўналиши:

таълим ташкилоти фаолиятини самарали ташкил этиш ва режалаштириш, таълим сифатини таъминлаш учун молиявий ресурсларнинг мақсадли йўналтирилгани;

таълим ташкилотининг Педагогик (Васийлик) кенгаши фаолияти ва унинг самарадорлиги;*

таълим ташкилотини ривожлантириш режасининг ишлаб чиқилгани ва уни амалга ошириш учун ресурслар мавжудлиги, шунингдек, унинг жамоатчилик учун очиқлиги ва мониторинги юритилгани;*

таълим жараёнларини бошқариш ҳамда таълим сифатини назорат қилиш бўйича ахборот тизимининг мавжудлиги ва ушбу тизимнинг таълим соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ахборот тизимларига интеграция қилингани;

Таълим сифатини таъминлаш йўналиши:

манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда таълим сифатини ички таъминлашнинг йўлга қўйилгани;*

таълим сифатини ички таъминлаш тизими самарадорлиги мунтазам таҳлил қилиб борилгани ва таҳлил натижалари асосида такомиллаштириш чораларининг кўрилгани;

ўқувчилар билимини баҳолашнинг белгиланган тартибда амалга оширилгани ва унинг ўқув натижаларига мувофиқлиги;*

битирувчилар бандлиги мониторинги юритилгани ва иш берувчиларнинг битирувчиларга оид фикр-мулоҳазалари мунтазам равишда таҳлил қилингани;

Ўқувчилар фаолияти йўналиши:

қабул параметрларининг таълим ташкилоти ресурслари ва имкониятларига мослиги;*

ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш белгиланган тартиб-қоидалар асосида тўғри ташкил қилингани ҳамда шаффоф ва адолатли амалга оширилгани;*

ўқувчилар ўқишини кўчириш, курсдан-курсга ўтказиш (қолдириш), ўқишдан четлаштириш ва ўқишни қайта тиклаш жараёнларининг белгиланган тартиблар асосида амалга оширилгани;*

ўқувчиларнинг республика ва халқаро олимпиадалар, танловлар, мусобақаларда иштирок этгани ва уларда совриндор бўлган ўқувчиларнинг рағбатлантирилгани;

ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари ташкил этилгани, уларнинг меҳнат бозоридаги ва таълимнинг кейинги босқичи бўйича мавжуд имкониятлар тўғрисидаги ишончли ахборотлар билан таъминлангани;

Ўқув жараёнини ташкил этиш йўналиши:

ўқув жараёнини режалаштириш ҳужжатларининг ишлаб чиқилгани ва белгиланган тартибда тасдиқлангани;*

педагогларга ўқув юкламаларининг белгиланган нормаларга мувофиқ ажратилгани;

педагогларнинг ўқув-меёрий ҳужжатлари белгиланган талаб асосида ишлаб чиқилгани ва юритилиши;*

ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларнинг қўлланилгани ва тегишли самарадорликка эришилгани;

таълим ташкилотида дарс таҳлилларининг олиб борилгани ва натижаларининг муҳокама қилингани;

таълим шаклларига мос равишда тегишли амалиётлар иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилгани;

якуний давлат аттестацияси иш берувчилар иштирокида ўқув натижаларига мувофиқ ўтказилгани;

Инсон ресурслари йўналиши:

таълим ташкилотида педагог кадрларнинг маълумоти, мутахассислиги (ихтисослиги) дарс ўтадиган фан(лар)га мослиги;*

таълим ташкилотига педагог кадрларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тўғри ташкил қилингани ҳамда кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилгани;

раҳбар ва педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг йўлга қўйилгани ҳамда уларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилгани;

педагог кадрларни касбий ривожлантириш, тажрибасини оммалаштириш ва малакасини ошириш учун шароит яратилгани;

Ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш йўналиши:

ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилиш учун тўғарак машғулотларининг йўлга қўйилгани ва уларнинг самарадорлиги;*

ўқувчиларга етарли даражада таълим олиш ва психологик қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат бериш ва карьера хизматларини ташкил этилгани;

таълим хизматлари юзасидан ўқувчилар фикр-мулоҳазаларининг мониторинг қилиниши ва унинг натижалари асосида такомиллаштириш чораларининг кўрилгани;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган ва иқтидорли ўқувчиларга шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш механизмларининг жорий этилгани;

ёшлар билан ишлаш самарадорлиги, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилгани;

ўқувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шикоятларни кўриб чиқиш тартибининг мавжудлиги;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

таълим дастури/шакллари хусусиятидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини ташкил қилиш учун ўқувчилар контингентига мос равишда зарур бино ва иншоотлар, замонавий моддий-техник база, реагентлар, хомашё материаллари ва дастурий таъминот билан таъминлангани;*

таълим жараёнлари учун зарур бўлган амалиёт базалари, лабораториялари ва устахона (полигон)лари мавжудлиги ёки саноат ҳамкорлари ва бошқа таълим ташкилотлари базаларидан фойдаланиш йўлга қўйилгани;

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) ўқувчилар контингентига мос ўқув ва бадиий адабиётлар, ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлангани ҳамда унда ўқув зали ва электрон кутубхонанинг мавжудлиги;*

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани;

ўқув ва лаборатория хоналарида ҳамда устахоналарда жиҳозларнинг тегишли хавфсизлик қоидалари ҳамда ўқитиш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилгани;

ўқув хоналарининг ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани ва уларда рақамли таълим муҳити яратилгани;

таълим ташкилотида ўқувчилар контингентига мос буфет/ошхона, ўриндиқлар ва спорт майдонларининг мавжудлиги.

III. Олий таълим ташкилотлари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

Ташкилий-бошқарув фаолияти йўналиши:

таълим ташкилотида Бошқарув (Кузатув, Васийлик) кенгашининг ташкил этилгани ва унинг фаолияти самарадорлиги;*

таълим ташкилоти фаолиятини самарали ташкил этиш ва режалаштириш, таълим сифатини таъминлаш учун молиявий ресурсларнинг мақсадли йўналтирилгани*.

таълим ташкилотини ривожлантириш режасининг ишлаб чиқилгани ва уни амалга ошириш учун ресурслар мавжудлиги, шунингдек, унинг жамоатчилик учун очиқлиги ва мониторинги юритилгани;

таълим ташкилотининг ҳудуд ва республиканинг ижтимоий, иқтисодий, ва маданий соҳаларини, шунингдек, бириктирилган таълим ташкилотларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси;

таълим жараёнларини бошқариш ҳамда таълим сифатини назорат қилиш бўйича ахборот тизимининг мавжудлиги ва ушбу тизимнинг таълим соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ахборот тизимларига интеграция қилингани;

таълим ташкилотида халқаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилгани;

Таълим сифатини таъминлаш йўналиши:

манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда таълим сифатини ички таъминлашнинг йўлга қўйилгани;*

таълим сифатини ички таъминлаш тизими самарадорлиги мунтазам таҳлил қилиб борилгани ва таҳлил натижалари асосида такомиллаштириш чораларининг кўрилгани;

талабалар билимини баҳолашнинг белгиланган тартибда амалга оширилгани ва унинг ўқув натижаларига мувофиқлиги;

таълим ташкилотида академик ҳалоллик қоидалари белгилангани ва унга зид ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали тизимнинг мавжудлиги;

битирувчилар бандлиги мониторинги юритилгани ва иш берувчиларнинг битирувчиларга оид фикр-мулоҳазалари таҳлил қилингани;

Талабалар фаолияти йўналиши:

қабул параметрларининг таълим ташкилотининг ресурслари ва имкониятларига мослиги;*

талабаларни ўқишга қабул қилиш белгиланган тартиб-қоидалар асосида тўғри ташкил қилингани ҳамда шаффоф ва адолатли амалга оширилгани;*

талабалар ўқишини кўчириш, курсдан-курсга ўтказиш (қолдириш), ўқишдан четлаштириш ва ўқишни қайта тиклаш жараёнларининг белгиланган тартиблар асосида амалга оширилгани;*

республика ва хорижий мамлакатлардаги таълим ташкилотлари билан академик мобилликнинг йўлга қўйилгани;

таълим хизматлари экспортининг самарали йўлга қўйилгани;

Ўқув жараёнини ташкил этиш йўналиши:

ўқув жараёнини режалаштириш ҳужжатларининг ишлаб чиқилгани ва белгиланган тартибда тасдиқлангани;*

профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари белгиланган талаб асосида ишлаб чиқилгани ва юритилиши;*

профессор-ўқитувчиларга ўқув юкламаларининг белгиланган нормаларга мувофиқ ажратилгани;

таълим дастурларининг иқтисодиёт, саноат ва соҳа эҳтиёжларидан келиб чиқиб такомиллаштирилгани ҳамда мазмунининг янгилангани;

таълим ташкилотида дарс таҳлилларининг олиб борилгани ва натижаларининг муҳокама қилингани;

Инсон ресурслари йўналиши:

белгиланган талаблар ва меъёрларга мувофиқ илмий салоҳиятга эга педагог кадрларнинг мавжудлиги;*

таълим ташкилотида педагог кадрларнинг мутахассислиги (ихтисослиги) дарс ўтадиган фан(лар)га мослиги;*

таълим ташкилотига педагог кадрларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тўғри ташкил қилингани ҳамда кадрлар

кўнимсизлигининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилгани;

педагог кадрларнинг белгиланган талабларга мувофиқ касбий ривожланиши ва малакасини ошириш ишлари тўғри йўлга қўйилгани;*

педагог кадрларнинг хорижда ва/ёки ишлаб чиқариш корхоналарида малака ошириши ёки стажировкалари ташкил этилгани;

раҳбар ва педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими (KPI)нинг йўлга қўйилгани ҳамда у асосида ходимларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилгани;

Илмий-тадқиқот ишлари йўналиши:

таълим ташкилотида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишлари ва халқаро мобиллиги учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги;*

илмий-ноширлик фаолиятида кўчирмачиликни аниқлаш бўйича ахборот тизимининг жорий этилгани ҳамда доимий ҳисоботларнинг юритилиши;

халқаро ва республика миқёсидаги илмий-методик ва амалий анжуманларнинг ўтказилгани;

илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишда корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани;

маҳаллий ҳамда халқаро ахборот ва маълумотлар базасидан (Scopus, Web of Science ёки бошқа умумэътироф этилган индексацияланган маълумотлар базалари журналлари) фойдаланиш имкониятларининг яратилгани;*

илмий-тадқиқот фаолияти натижаларининг мунтазам мониторинг қилиб борилгани;

талабаларнинг стартап лойиҳалари ва рационализаторлик ғоялари билан республика ва халқаро илмий дастурларда иштироки ҳамда уларнинг натижадорлиги;

таълим ташкилоти талаба ва профессор-ўқитувчиларининг илмий ва илмий-техник фаолияти натижаларининг тижоратлаштирилгани;

Талабаларни қўллаб-қувватлаш йўналиши:

таълим хизматлари юзасидан талабалар фикр-мулоҳазаларининг мониторинг қилиниши ва унинг натижалари асосида такомиллаштириш чораларининг кўрилгани;*

талабаларга етарли даражада таълим олиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат бериш ҳамда карьера хизматларининг ташкил этилгани;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган ва иқтидорли талабаларга шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш механизмларининг жорий этилгани;

ёшлар билан ишлаш самарадорлиги, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилгани;

талабалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибининг мавжудлиги;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

таълим дастури/шакллари хусусиятидан келиб чиқиб ўқув жараёнини ташкил қилиш учун талабалар контингентига мос равишда зарур бино ва иншоотлар, замонавий моддий-техник база, хомашё материаллари ва дастурий таъминот билан таъминлангани;*

таълим жараёнлари учун зарур бўлган амалиёт базалари ва лабораториялари мавжудлиги ёки саноат ҳамкорлари ва бошқа таълим ташкилотлари базаларидан фойдаланиш йўлга қўйилгани;

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) талабалар контингентига мос ўқув ва бадиий адабиётлар, ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлангани ҳамда унда ўқув зали ва электрон кутубхонанинг мавжудлиги;*

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани;

ўқув ва лаборатория хоналарида жиҳозларнинг тегишли хавфсизлик қоидалари ҳамда ўқитиш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилгани;

ўқув хоналарининг ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани ва рақамли таълим муҳити яратилгани;

таълим ташкилотида талабалар контингентига мос буфет/ошхона, ўриндиқлар ва спорт майдонларининг мавжудлиги.

IV. Олий таълимдан кейинги таълим ташкилотлари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

Ташкилий-бошқарув фаолияти йўналиши:

таълим ташкилоти фаолиятини самарали ташкил этиш ва режалаштириш, таълим сифатини таъминлаш учун молиявий ресурсларнинг мақсадли йўналтирилгани;

илмий кенгашлар ташкил этилгани ва унинг фаолияти самарадорлиги;*

таълим ташкилотини ривожлантириш режасининг ишлаб чиқилгани ва уни амалга ошириш учун ресурслар мавжудлиги, шунингдек, унинг жамоатчилик учун очиклиги ва мониторинги юритилгани;*

таълим ташкилотининг ҳудуд ва республиканинг ижтимоий, иқтисодий, ва маданий соҳаларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси;

тадқиқот жараёнларини бошқариш ҳамда таълим сифатини назорат қилиш бўйича очиқ ахборот тизимининг мавжудлиги ва ушбу тизимнинг таълим соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ахборот тизимларига интеграция қилингани;

таълим ташкилотини халқаролаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилгани;

Тадқиқот сифатини таъминлаш йўналиши:

манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда тадқиқот сифатини ички таъминлашнинг йўлга қўйилгани;

таълим сифатини ички таъминлаш тизими самарадорлиги мунтазам таҳлил қилиб борилгани, изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги юритилгани ва натижалар асосида такомиллаштириш чоралари кўрилгани;

таълим ташкилотида академик ҳалоллик ва эркинлик қоидаларининг белгилангани ва унга зид ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали тизимнинг мавжудлиги;*

диссертация иши ҳимояси учун мавжуд илмий кенгашлар фаолияти, уларнинг таркибий тузилиши, иш тартиби ва қабул қилинган қарорларининг илмий-ҳуқуқий асослангани;

Тадқиқотчилар фаолияти йўналиши:

қабул параметрлари илмий-тадқиқотлар учун мавжуд маблағлар, тадқиқот лойиҳалари ёки бошқа молиялаштириш манбалари имкониятларини инобатга олган ҳолда белгилангани;

изланувчиларни ўқишга қабул қилиш, ўқишдан четлаштириш ва ўқиш муддатини узайтириш белгиланган тартиб-қоидалар асосида тўғри ташкил қилингани ҳамда шаффоф ва адолатли амалга оширилгани;*

изланувчиларнинг белгиланган талаблар асосида диссертация ишини тайёрлашнинг якка тартибдаги режаси, ихтисослик бўйича назарий-методологик дастури ишлаб чиқилгани ва тасдиқлангани;*

республика ва хорижий мамлакатлардаги илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш сектори билан академик мобилликни йўлга қўйилгани;

Тадқиқот жараёнини ташкил этиш йўналиши:

илмий раҳбарлар (консультант) фаолияти белгиланган талаб асосида ишлаб чиқилгани, тасдиқлангани ва юритилиши;*

диссертация мавзуларининг жамият, иқтисодиёт ва саноатдаги долзарб муаммоларнинг ечимига қаратилгани, олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилгани;

илмий раҳбарлар (консультант) юкламаларининг белгиланган нормаларига мувофиқ ажратилгани;

изланувчиларнинг илмий-тадқиқот натижалари асосида чоп этилган мақола, тезис ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ҳужжатларга эгаллиги;

таълим ташкилотида тадқиқотлар натижадорлиги таҳлилларининг олиб борилгани ва натижаларининг муҳокама қилингани;

изланувчилар белгиланган шахсий иш режаларининг ўрнатилган тартибда бажарилиши мониторинг қилиб борилгани;

Инсон ресурслари йўналиши:

илмий раҳбар (консультант)лар фаолиятининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ва уларнинг раҳбарлигида сўнгги уч йилда битирган изланувчиларнинг ўз вақтида ҳимоя қилганлари салмоғи;

таълим ташкилотларида фаолият юритаётган фан докторларининг илмий раҳбарлик (консультантлик)ка жалб этилгани;

илмий раҳбар (консультант)лар таркибининг сифат кўрсаткичлари ҳамда уларнинг илмий-ташкилий фаолияти натижадорлиги;*

илмий раҳбар (консультант)лар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг йўлга қўйилгани ва шу асосида моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ташкил этилгани;

ўз вақтида ҳимоя қилмаган тадқиқотчилар билан олиб борилган ишлар, назорат тадбирлари ва самарадорлиги, илмий раҳбар ҳамда маслаҳатчиларга чоралар кўрилгани;

Илмий-тадқиқот ишлари йўналиши:

халқаро миқёсда ва республика миқёсидаги илмий-методик ва амалий анжуманлар ўтказилгани;

илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширишда корхона ва ташкилотлар билан тадқиқот натижаларини татбиқ этиш йўналишида ҳамкорлик йўлга қўйилгани;

таълим ташкилотининг тегишли соҳаларда маҳаллий ва халқаро илмий грант танловларида иштирок этгани ҳамда унинг натижадорлиги;

маҳаллий ҳамда халқаро ахборот ва маълумотлар базасидан (Scopus, Web of Science ёки бошқа умумэътироф этилган индексацияланган маълумотлар базалари журналлари) фойдаланиш имкониятларининг яратилгани;*

илмий-ноширлик фаолиятида кўчирмачиликни аниқлаш бўйича ахборот тизимининг жорий этилгани ҳамда доимий ҳисоботларнинг юритилиши;*

Тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш йўналиши:

таълим хизматлари юзасидан тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларини мониторинг қилиниши ва унинг натижалари асосида такомиллаштириш чораларининг кўрилгани;

тадқиқотчилар учун илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўйича ўқув-методологик тренинглар ташкил этилгани;

тадқиқотчиларга етарли даражада тадқиқот олиб бориш ва қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат бериш хизматларининг ташкил этилгани;

тадқиқотчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибининг мавжудлиги;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

илмий-экспериментал лаборатория ва майдонлар билан таъминланганлик даражаси, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар, техникалар, хомашё материаллар ва бошқалар билан таъминлангани ва улардан фойдаланилиши ҳолати;*

тадқиқот олиб бориш учун зарур бўлган амалиёт базалари ва лабораториялари мавжудлиги ёки саноат ҳамкорлари ва бошқа таълим ташкилотлари базаларидан фойдаланиш йўлга қўйилгани;

ихтисослик хусусиятидан ва изланувчилар сонидан келиб чиқиб тадқиқот соҳаси бўйича илмий манбаларнинг мавжудлиги ва электрон ресурслар билан белгиланган талабларга мувофиқ таъминлангани;*

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани.

V. Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим ташкилотлари қуйидаги мезонларга мувофиқ баҳоланади:

Ташкилий-бошқарув фаолияти йўналиши:

таълим ташкилоти фаолиятини самарали ташкил этиш ва режалаштириш, таълим сифатини таъминлаш учун молиявий ресурсларнинг мақсадли йўналтирилгани;

таълим ташкилотида Илмий-педагогик кенгашнинг ташкил этилгани ва унинг фаолияти самарадорлиги;*

таълим ташкилотини ривожлантириш режасининг ишлаб чиқилгани ва уни амалга ошириш учун ресурслар мавжудлиги, шунингдек, унинг жамоатчилик учун очиклиги ва мониторинги юритилгани;*

таълим ташкилотининг ҳудуд ва республиканинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси;

таълим жараёнларини бошқариш ҳамда таълим сифатини назорат қилиш бўйича ахборот тизимининг мавжудлиги ва ушбу тизимнинг таълим соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ахборот тизимларига интеграция қилингани;

таълим ташкилотини халқаролаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйилгани;

Таълим сифатини таъминлаш йўналиши:

манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда таълим сифатини ички таъминлашнинг йўлга қўйилгани;*

таълим сифатини ички таъминлаш тизими самарадорлиги мунтазам таҳлил қилиб борилгани ва таҳлил натижалари асосида такомиллаштириш чораларининг кўрилгани;

ички баҳолаш жараёни ўтказилгани, баҳолаш натижалари асосида чоратadbирларнинг амалга оширилгани;

тингловчилар билимини баҳолашнинг белгиланган тартибда амалга оширилгани ва унинг ўқув натижаларига мувофиқлиги;

таълим ташкилотида академик ҳалоллик қоидаларининг белгилангани ва унга зид ҳолатларнинг олдини олиш бўйича самарали тизимнинг мавжудлиги;

иш берувчиларнинг малака оширган тингловчиларга оид фикр-мулоҳазаларининг таҳлил қилингани;

Тингловчилар фаолияти йўналиши:

қабул параметрларининг таълим ташкилоти ресурслари ва имкониятларига мослиги;*

тингловчиларни ўқишга қабул қилиш белгиланган тартиб-қоидалар асосида тўғри ташкил қилингани;

Ўқув жараёнини ташкил этиш йўналиши:

ўқув жараёнини режалаштириш ҳужжатларининг ишлаб чиқилгани ва белгиланган тартибда тасдиқлангани;*

профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари белгиланган талаб асосида ишлаб чиқилгани, тасдиқлангани ва юритилиши;*

профессор-ўқитувчиларга ўқув юкламаларининг белгиланган нормаларга мувофиқ ажратилгани;

таълим дастурларини иқтисодиёт, саноат ва соҳа эҳтиёжларидан келиб чиқиб, такомиллаштирилгани ҳамда мазмунининг янгилангани;

таълим ташкилотида дарс таҳлилларининг олиб борилгани ва натижаларининг муҳокама қилингани;

Инсон ресурслари йўналиши:

таълим ташкилотида белгиланган талаблар ва меъёрларга мувофиқ илмий салоҳиятга эга педагог кадрларнинг мавжудлиги;*

таълим ташкилотида педагог кадрларнинг мутахассислиги (ихтисослиги) ва фаолият йўналишлари дарс ўтадиган фан(лар)га мослиги;*

таълим ташкилотига педагог кадрларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тўғри ташкил қилингани ҳамда кадрлар

қўнимсизлигининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилгани;

педагог кадрларнинг хорижда ва/ёки ишлаб чиқариш корхоналарида малака ошириши ёки стажировкалари ташкил этилгани;

ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими (KPI)нинг йўлга қўйилгани ҳамда у асосида ходимларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилгани;

Тингловчиларни қўллаб-қувватлаш йўналиши:

таълим хизматлари юзасидан тингловчилар фикр-мулоҳазаларининг мониторинг қилиниши ва унинг натижалари асосида такомиллаштириш чораларининг кўрилгани;*

тингловчиларга етарли даражада таълим олиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат бериш ҳамда карьера хизматларининг ташкил этилгани;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ва имконияти чекланган тингловчилар учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш механизмларининг жорий этилгани;

тингловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибининг мавжудлиги;

Моддий-техник таъминот йўналиши:

таълим дастури хусусиятидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини ташкил қилиш учун тингловчилар контингентига мос равишда зарур бино ва иншоотлар, замонавий моддий-техник база, хомашё материаллари ва дастурий таъминот билан таъминлангани;*

таълим жараёнлари учун зарур бўлган амалиёт базалари, устахоналари ва лабораториялари мавжудлиги ёки саноат ҳамкорлари ва бошқа таълим ташкилотлари базаларидан фойдаланиш йўлга қўйилгани;

ахборот-ресурс марказининг (кутубхонанинг) зарурий ўқув ва бадий адабиётлар, ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлангани ҳамда унда ўқув зали ва электрон кутубхонанинг мавжудлиги;*

инклюзив таълим олиш учун бинолар ва жиҳозларнинг мослаштирилгани, махсус ўқув материалларининг мавжудлиги, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилгани;

ўқув ва лаборатория хоналарида жиҳозларнинг хавфсизлик қоидалари ҳамда ўқитиш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилгани;

ўқув хоналарининг ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани ва рақамли таълим муҳити яратилгани.

Изоҳ. * Мажбурий бўлган мезонлар.

Комплекс давлат аккредитациясидан ўтказиш вақтида таълим дастурларини баҳолаш махсус давлат аккредитациясидан ўтказишнинг баҳолаш йўналишлари ва мезонлари асосида баҳоланади.

Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги
таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш ташкилотларини комплекс
ҳамда махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

НАМУНА



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI
TA’LIM SIFATINI TA’MINLASH MILLIY AGENTLIGI
Maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tganlik to‘g‘risida
SERTIFIKAT

MAS № 0000000

Ushbu sertifikat Akkreditatsiya komissiyasi qaroriga ko‘ra _____
_____ manzilida joylashgan
(ta’lim tashkilotining yuridik manzili)

_____ ning
(ta’lim tashkilotining nomi)

_____ (ta’lim dasturi kodi va nomi)

ta’lim dasturi maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tganini tasdiqlaydi.

Ushbu sertifikatga ta’lim dasturiga tegishli ma’lumotlar ilova qilinadi va ilova sertifikatning ajralmas qismi hisoblanadi.

Sertifikat berish uchun asos: Akkreditatsiya komissiyasining 20__-yil
“__”-_____dagi _____-son bayoni.

Amal qilish muddati: 20__-yil __/__/_____
(kun, oy)

Agentlik direktori

(F.I.O.)

Hujjatning
haqiqiyligini
tasdiqlovchi
QR-kod

Maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik
to'g'risidagi MAS № _____-son
sertifikatga ilova

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI
TA'LIM SIFATINI TA'MINLASH MILLIY AGENTLIGI

ning

(ta'lim tashkilotining nomi)
maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tkazilgan ta'lim dasturi
to'g'risida ma'lumot

1.	Ta'lim tashkilotining litsenziya/guvohnoma raqami va sanasi:	
2.	Ta'lim tashkilotining turi (davlat/nodavlat/xorijiy):	
3.	Ta'lim dasturi kodi va nomi:	
4.	Ta'lim dasturining ingliz tilida nomlanishi:	
5.	Ta'lim dasturining rus tilida nomlanishi:	
6.	Hamkorlikda amalga oshirilishi (qo'shma, franshiza yoki boshqalar):	
7.	Ta'lim tili:	
8.	Ta'lim shakli:	
9.	Ta'lim dasturi hajmi (ECTS krediti yoki akademik soatlar miqdori):	
10.	Ta'lim dasturi davomiyligi (yillar/semestrlar):	
11.	Milliy malaka ramkasidagi darajasi:	
12.	Kvalifikatsiya(lar) nomi:	
13.	Qo'shimcha beriladigan kvalifikatsiyalar:	
14.	Ta'lim dasturi yakunida beriladigan hujjat turi va uning namunasi:	
15.	Ta'lim oluvchilarning me'yoriy miqdori:	
16.	Ta'lim dasturini o'qitish manzili:	

Agentlik direktori

(F.I.O.)

Hujjatning
haqiqiyligini
tasdiqlovchi
QR-kod

Maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik to'g'risida sertifikat

TAVSIFI

Davlat namunasidagi maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik to'g'risidagi sertifikat A4 formatli oq qog'ozda ofset usulida besh xil rangdan foydalangan holda: matn uchun – qora rangda, rasmlar tasviri uchun – yashil, ko'k, qizil ranglarda, fon uchun – och pushti rangda bosib chiqariladi.

Varaqlarning chap qismida chetidan 10 mm chekingan holda eni 32 mm bo'lgan O'zbekiston Respublikasi Davlat bayrog'i tasvirlangan tasma joylashtiriladi. Tasmaning yuqori qismida diametri 30 mm bo'lgan O'zbekiston Respublikasi Davlat gerbining tasviri joylashtiriladi va sertifikat blankasining chap tomoni quyi qismida fonsiz 35x35 mm o'lchamda QR-kod qo'yiladi.

Varaqlarning qolgan qismida yuqorida lotin yozuvi bilan davlat tilida "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI TA'LIM SIFATINI TA'MINLASH MILLIY AGENTLIGI" va "Maxsus davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik to'g'risida SERTIFIKAT" so'zlari qora rangli va MAS lotin harfi va yetti xonali sondan iborat bo'lgan raqam qizil rangli bo'yoqda bosiladi.

Barcha matn naqshli rastrdan iborat och kul rang fonda bosib chiqariladi.

Sertifikat:

bosib chiqarishning ikki usuli – ofset va yuqori usuli;

yorug'lik vositasida nusxa ko'chirishni qiyinlashtirish uchun ochiq ranglar;

naqshli rastr;

har xil rangli rastrlardan foydalanish yo'li bilan turli ranglarni tashkil etish;

maxsus qog'ozlar;

o'zgaradigan raqamlardan iborat tartib raqami qo'llangan holda oltita himoyaga ega.

Ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги
таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш ташкилотларини комплекс
ҳамда махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

НАМУНА



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI
TA'LIM SIFATINI TA'MINLASH MILLIY AGENTLIGI
Kompleks davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik to'g'risida
SERTIFIKAT

KAS № 0000000

Ushbu sertifikat Akkreditatsiya komissiyasi qaroriga ko'ra _____
_____ manzilida joylashgan

(ta'lim tashkilotining yuridik manzili)

_____ ning davlat akkreditatsiyasi

(ta'lim tashkilotining nomi)

_____ ga

(ta'lim tashkilotining maqomi)

mosligini tasdiqlaydi va bitiruvchilarga mazkur sertifikat ilovasiga muvofiq ta'lim
dasturlari (ta'lim yo'nalishlari, mutaxassisliklar, ixtisosliklar, kasblar va kurslar) bo'yicha
ta'lim to'g'risida beriladigan hujjatlarning davlat tomonidan e'tirof etilishini kafolatlaydi.

Ushbu sertifikatga tegishli ma'lumotlar ilova qilinadi va ilova sertifikatning ajralmas
qismi hisoblanadi.

Sertifikat berish uchun asos: Akkreditatsiya komissiyasining 20__-yil
“__”-_____dagi ____-son bayoni.

Amal qilish muddati: 20__-yil ____/____/____
(kun, oy)

Agentlik direktori

(F.I.O.)

Hujjatning
haqiqiyligini
tasdiqlovchi
QR-kod

Kompleks davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik
to'g'risidagi KAS № _____-son
sertifikatga ilova

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI
TA’LIM SIFATINI TA’MINLASH MILLIY AGENTLIGI

_____ning
(*ta’lim tashkilotining nomi*)
kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazilgan ta’lim dasturlari
RO‘YXATI

T/r	Ta’lim dasturlari		Ta’lim shakli	O‘qish davriyligi	Malaka darajasi
	kodi	nomi			
1.					
2.					
3.					
...					

Agentlik direktori

(*F.I.O.*)

Hujjatning
haqiqiyligini
tasdiqlovchi
QR-kod

Kompleks davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik to'g'risida sertifikat TAVSIFI

Davlat namunasidagi kompleks davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik to'g'risidagi sertifikat A4 formatli oq qog'ozda ofset usulida besh xil rangdan foydalangan holda: matn uchun – qora rangda, rasmlar tasviri uchun – yashil, ko'k, qizil ranglarda, fon uchun – och kul rangda bosib chiqariladi.

Varaqlarning chap qismida chetidan 10 mm chekingan holda eni 32 mm bo'lgan O'zbekiston Respublikasi Davlat bayrog'i tasvirlangan tasma joylashtiriladi. Tasmaning yuqori qismida diametri 30 mm bo'lgan O'zbekiston Respublikasi Davlat gerbining tasviri joylashtiriladi va sertifikat blankasining chap tomoni quyi qismida fonsiz 35x35 mm o'lchamda QR-kod qo'yiladi.

Varaqlarning qolgan qismida yuqorida lotin yozuvi bilan davlat tilida "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI TA'LIM SIFATINI TA'MINLASH MILLIY AGENTLIGI" va "Kompleks davlat akkreditatsiyasidan o'tganlik to'g'risida SERTIFIKAT" so'zlari qora rangli va KAS lotin harfi va yetti xonali sondan iborat bo'lgan raqam qizil rangli bo'yoqda bosiladi.

Barcha matn naqshli rastrdan iborat och kul rang fonda bosib chiqariladi.

Sertifikat:

bosib chiqarishning ikki usuli – ofset va yuqori usuli;

yorug'lik vositasida nusxa ko'chirishni qiyinlashtirish uchun ochiq ranglar;

naqshli rastr;

har xil rangli rastrlardan foydalanish yo'li bilan turli ranglarni tashkil etish;

maxsus qog'ozlar;

o'zgaradigan raqamlardan iborat tartib raqami qo'llangan holda oltita himoyaga ega.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “ 6 ” августдаги 498-сон қарорига
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим
tizimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”
2017 йил 22 майдаги 304-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 2-иловада:

а) 10-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Олий таълимдан кейинги таълим институтини очиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ахборот учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигига юборилади”;

б) 11 ва 12-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Илмий ташкилот ёки таълим муассасаларидаги олий таълимдан кейинги таълим институтларини давлат аккредитациясидан ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги томонидан амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш масалаларида тасарруфида илмий ташкилот ва таълим муассасаларига эга вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради”;

в) 13-банднинг иккинчи хатбошисида:

“Инновацион ривожланиш вазирлигига” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

“аттестациядан” сўзи “давлат аккредитациясидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 14-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Тизимида илмий ва таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар тегишли илмий ва таълим ташкилотлари томонидан қабул квотаси бўйича асосланган таклифларни ҳар йили 10 июнгача Ягона электрон тизим орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига юборилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қабул квотаси бўйича асосланган таклифларни бюджет параметрлари асосида кўриб чиқиб ҳар йили 1 августга қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига Ягона электрон тизим орқали юборилади;

учинчи хатбошидаги “Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қабул квотаси миқдорини илмий ва таълим ташкилотлари кесимида тақсимлашда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги ва тизимида илмий ва таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда тегишли вазирлик ёки идора тизимидаги илмий ва таълим ташкилотлари учун қабул квотаси миқдорини белгилаш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий ривожланиш масалалари бўлимининг кўрсатмасига мувофиқ амалга оширилади”;

бешинчи хатбошидаги “қабул квотасини шакллантириши” сўзлари “қабул квотасини давлат аккредитацияси шартлари асосида шакллантириши” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “Инновацион ривожланиш вазирлигига” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “Инновацион ривожланиш вазирлигига” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 31-банднинг биринчи хатбошисидаги “Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 35-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Молия вазирлиги” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 52-банднинг биринчи хатбошисидаги “Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3-илованинг матнида:

а) “Vazirlar Mahkamasi” сўзлари “Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “Cabinet of Ministers” сўзлари “Ministry of Higher education, science and innovations” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) “The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan based on” сўзлари “The Supreme Attestation Commission based on” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) “O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi huzuridagi ilmiy kengashining” сўзлари “Oliy attestatsiya komissiyasi huzuridagi ilmiy kengashining” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 4-иловининг матнида:

а) “Vazirlar Mahkamasi” сўзлари “Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “Cabinet of Ministers” сўзлари “Ministry of Higher education, science and innovations” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) “The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan based on” сўзлари “The Supreme Attestation Commission based on” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) “O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi huzuridagi ilmiy kengashining” сўзлари “Oliy attestatsiya komissiyasi huzuridagi ilmiy kengashining” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 5-иловининг матнида:

а) “Vazirlar Mahkamasi” сўзлари “Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “Cabinet of Ministers” сўзлари “Ministry of Higher education, science and innovations” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) “The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan upon” сўзлари “The Supreme Attestation Commission upon” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) “O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi ilmiy kengashining” сўзлари “Oliy attestatsiya komissiyasi ilmiy kengashining” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 6-иловининг матнида:

а) “Vazirlar Mahkamasi” сўзлари “Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “Cabinet of Ministers” сўзлари “Ministry of Higher education, science and innovations” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) “The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan upon” сўзлари “The Supreme Attestation Commission upon” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) “O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi ilmiy kengashining” сўзлари “Oliy attestatsiya komissiyasi ilmiy kengashining” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 7-илованинг матнида:

а) “Vazirlar Mahkamasi” сўзлари “Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “Cabinet of Ministers” сўзлари “Ministry of Higher education, science and innovations” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) “The Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan upon” сўзлари “The Supreme Attestation Commission upon” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) “O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi ilmiy kengashining” сўзлари “Oliy attestatsiya komissiyasi ilmiy kengashining” сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “ 6 ” августдаги 498-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ–5644-сон, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5650-сон фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПҚ–4136-сон қарори)” 2019 йил 13 майдаги 397-сон қарорига илованинг 59-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида” 2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон ҳамда “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 16 январдаги ПҚ–4119-сон қарорлари)” 2019 йил 30 сентябрдаги 821-сон қарорига илованинг 15-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 171 ва 296-бандлари.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сон қарорига 3-иловининг 3 ва 4-бандлари.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 27 апрелдаги 243-сон қарорига 2-иловининг 11-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–595-сон Қонуни)” 2021 йил 20 майдаги 320-сон қарорига 1-иловининг 26-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 июндаги 345-сон қарорига 3-иловининг 23 ва 41-бандлари.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 27 августдаги 545-сон қарорига 3-иловининг 28-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон Фармони)” 2021 йил 19 ноябрдаги 694-сон қарорига 1-иловининг 64-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-иловининг 51-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 8 августдаги 489-сон қарорига 1-иловининг 10-банди ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилари, 11-бандининг 12-кичик банди тўртинчи хатбошиси ва 18-кичик банди.

